

**“Хотира ва қадрлаш маросимининг маъно-мазмуни, яъни, ўтганларни эслаш, ҳаёт бўлганларни қадрлаш, Ватанни ҳимоя қилиш, уни дахлсиз сақлаш каби олижаноб фазилатларни ёш авлодимизнинг онгу тафаккурига сингдириши, фарзандларимиз, болаларимизнинг биз киммиз, кимнинг авлодимиз, деб отабоболаримиз жасоратидан ибрат олиб, мана шу мусаффо осмонни, она-юртимизни биз асрамасак, ким асрайди, деган эътиқод билан яшаши, ҳеч шубҳасиз, бугунги ва эртанги ҳаётимиз учун жуда катта аҳамиятга эга”.**

Муҳтарам Юртбошимизнинг Хотира майдонидаги суҳбатидан (2012 йил 9 май).



**Усмонхон АЛИМОВ,**  
Ўзбекистон муслмонлари  
идораси раиси, муфтий

## КЕКСАЛАР БОРЛИГИ УЛУҒ НЕЪМАТ

Қарияларни эъзозлашга динимизда алоҳида эътибор берилган. Имом Термизий Анасдан (Аллоҳ ундан рози бўлсин) ривоят қилган ҳадиси шарифда Муҳаммад (У зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) кексаларни улуғлаш ҳақида бундай деганлар: “Ёш йигит кекса кишини ёши улуғлиги учун ҳурмат қилса, Аллоҳ таоло уни ҳам кексайганида ҳурмат қилинадиган инсонлар қаторига қўяди”.

Кексаларга ҳурмат халқимизнинг азалий ибратли кадриятларидан ҳисобланади. Давлатимиз истиқлол йиллари қарияларни улуғлаш борасида бир талай хайрли ишларни амалга оширди. Ҳар йили 9 май куни юртимизда “Хотира ва қадрлаш куни” деб белгиланди. Ушбу байрам шарофати билан кўплаб кекса отахону онахонларимиз халқимиз эъзозида бўлиб, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланади. Хотира ва қадрлаш куни юксак ахлоқнинг ёрқин бир кўриниши, ҳавас қилса ярашгулик байрамга айланди. Бу кун тарихнинг оғир синов-

ларини бошдан кечирган, фидокорона меҳнат қилган табаррук ёшдаги отахон, онахонларимизга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш айёмидир. Халқимизнинг “Қадр кўрсатган кадр топади” деган доно ҳикмати ҳам шуни таъкидлайди.


Қадрлаш ўзликни англаш демакдир. Бу сўз замирида имон бутлиги, одоб-ахлоқ, аждодлар мероси, шунингдек, атрофимиздаги инсонларга чуқур ҳурмат мужассам. Ёш авлод турмуш синовларида тобланиб, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган, теран ақлли, тақволи, улуғ кишилар кўмаги ва маслаҳатига доим эҳтиёж сезади. Меҳнатсевар, ҳалол-пок, диёнатли, эл иши учун фидойи инсон бўлиб улғайишни истаган ҳар бир ўғил-қиз кексалар ҳаётий тажрибасидан, албатта, фойдаланиши лозим. Шунинг учун орамизда, катталарнинг, борлиги, улуғ, неъматдир.

Ислом дини доимо катта ёшли кишиларни ҳурмат қилишга чорлаб келган. Абу Довуд ва Имом Термизий келтирган, Амр ибн Шуайб отасидан, у эса бобосидан (Аллоҳ улардан рози бўлсин) ривоят қилган ҳадиси шарифда: “Кичикларга раҳм-шафқатда, катталарга ҳурмат-иззатда бўлмаган киши биздан эмасдир”, дейилган.

Минг афсуслар бўлсин ҳозирги кунда айрим ота-оналар ва мураббийлар болаларда мазкур сифатлар шаклланишига алоҳида эътибор қаратмаяптилар. Оқибатда баъзи ёшларда кексаларни ҳурмат қилмаслик ҳолатлари учрамоқда.

Ҳаётнинг аччиқ ва ширин томонлари бор. Қариялар эътибор, меҳр-мурувват ва шафқатга муҳтождир.

Давоми 7-саҳифада ➔➔



# МЎМИН АТТОРГА ЎХШАЙДИ

Абу Мусо (Аллоҳ ундан рози бўлсин) ривоят қилади: Расулуллоҳ (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) айтдилар: “Яхши ва ёмон суҳбатдош мушк сотувчи ва босқончига ўхшайди. Мушк сотувчи ё сенга мушк ҳадя қилади, ёки ундан ўзинг сотиб оласан, ёхуд унинг хуш бўйидан баҳраманд бўласан. Босқончи эса ё кийимингни куйдиради, ёки унинг ёмон ҳидига дуч келасан” *(Имом Бухорий ва Имом Муслим)*.

*Шарҳ:* Ушбу ҳадисда Расулуллоҳ (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) солих, илмли кишиларга ёндош бўлишга, улар билан суҳбатлашиб туришга тарғиб қилганлар. Чунки бу нарса дунё ва охиратда фойда беради. Ёмонлар ва фосиқлар билан юришдан қайтарганлар. Зеро, бу нарса дин учун ҳам, дунё учун ҳам зарарлидир. Шамол хушбўй жойдан эсиб, ёқимли ҳидни олиб келганидек, яхшилар билан юриш яхшиликка сабаб бўлади. Ёмонлар билан бўлиш эса, нохуш жойдан ёқимсиз ҳид олиб келган шамол каби ёмонлик келтиради. Донишмандлар айтишади: нодонлар билан ўтирганинда сенга юққан нодонлик, оқиллар билан бўлганинда сен юқтирган ақлдан кўра кўпдир. Чунки ёмонлик одамлар орасида тез тарқалади, уларнинг табиатига тез сингади.

Орифлардан бири бундай деган: “Аллоҳ билан бўлинг, агар бундай қила олмасангиз, Аллоҳ билан бўлганлар ёнида бўлинг”.

Расулуллоҳ (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) яна бир ҳадисларида бундай дейдилар: “Мўмин атторга ўхшайди. Унинг ёнида ўтирсанг, фойдаси тегади, бирга юрсанг, фойдаси тегади, шерик бўлсанг, фойдаси тегади” *(Табароний ривояти)*.

Хуллас, одам ён-атрофидагилардан таъсирланади. Шунинг учун Аллоҳ таоло: “**Эй имон келтирганлар! Аллоҳдан кўрқинглар ва (имонда) содиқ кишилар билан бирга бўлинглар!**” дея амр этган *(Тавба, 119)*.

Алиюл ҚОРИНИНГ “*Мирқотул мафотиҳ*” китобидан  
**Жамшид ШОДИЕВ**  
тайёрлади

## «HIDOYAT»

Ойлик диний-маърифий,  
илмий-адабий нашр

### Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

### Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

### Таҳрир хайъати

Усмонхон АЛИМОВ  
Абдулазиз МАНСУР  
Абдураззоқ ЮНУС  
Ортиқбек ЮСУПОВ  
Анвар ТУРСУН  
Аҳад ҲАСАНОВ  
Зоҳиджон ИСЛОМОВ  
Абдулҳамид ТУРСУН  
Ҳайдархон ЙЎЛДОШХЎЖАЕВ  
Баҳодир КАРИМОВ  
Эркин МАЛИК  
Муҳаммад Шариф ЖУМАН  
Исомиддин ОЛИМОВ  
Абдул Жалил ХЎЖАМ  
*(Бош муҳаррир ўринбосари)*  
Мухтарама УЛУҒОВА

### Муқова

«Voris Design» маркази билан  
хамкорликда тайёрланди.

### Бадий муҳаррир

Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли

### Саҳифаловчи

Баҳром ИКРОМОВ

### Матни

Раҳима КАРИМЖОН кизи  
терди.

### Манзилимиз

100002, Тошкент шаҳри  
Заркайнар 18-берк кўча 47<sup>а</sup>-уй;  
Тел: 240-05-19, 227-34-30.  
Интернет сайтимиз: [www.hidoyat.uz](http://www.hidoyat.uz)  
Интернет почтамыз: [m-nashr@yandex.ru](mailto:m-nashr@yandex.ru)  
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва  
ахборот агентлигида рўйхатга олинган.  
Гувоҳнома рақами 0177.

Босишга 2012 йил 17 майда рухсат берилди.  
Босмахонага 2012 йил 22 майда топширилди.  
Қоғоз бичими 60x841/8. Адади 49.500 нусха.  
2285-сон буюртма. «Sharq» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компаниясида босилди. Тош-  
кент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

### Қўлёзмалар қайтарилмайд.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан  
фарқ қилиши мумкин. Келтирилган иқтибос ва  
рақамлар учун муаллиф масъул. Хат юборилгани-  
да исмлар тўлиқ, манзил аниқ ёзилсин. Мақолалар  
кўчириб босилса ёки иқтибос олинса, «Ҳидоят»дан  
олингани кўрсатилиши шарт.

## МУНДАРИЖА

<b>Бугуннинг гапи</b>	
Усмонхон АЛИМОВ	
Кексалар борлиги улугъ неъмат .....	1
<b>Таянч нуқта</b>	
Мўмин атторга ўхшайди .....	2
<b>Қутлов</b>	
Раҳматуллох САЙФУДДИНОВ	
Имом ноиб мукофот олди .....	6
<b>Ибрат</b>	
Саидхон БОБОХОНОВ	
Ҳиммат .....	6
<b>Қуръонни ўрганамиз</b>	
Шавкат АҲМЕДОВ	
Мусобақани якуний босқичи .....	7
<b>Саҳобалар ҳаёти</b>	
Абдуллох ибн Умми Мактум .....	8
<b>Халқона ўғитлар</b>	
Момоларимиз айтади .....	11
<b>Халқона ўғитлар</b>	
Момоларимиз айтади...	
Абдурахмон ИДРИСОВ	
Янги топилган манба .....	11
<b>Сийрат</b>	
Абдул Азим ЗИЁВУДДИН ўғли	
Дуо, башорат ва туш .....	12
<b>Хотира</b>	
Абдуқаҳҳор ШОШИЙ	
Яхшилар ёди .....	16
Соғуний ўғитлари .....	17
<b>Тадқиқот</b>	
Абдумалик ТҮЙЧИБОЕВ	
Ислох халқаро ҳуқуқи тарихидан .....	18
<b>Аёллар саҳифаси</b>	
Гулнора МАЪРУПОВА	
Кизли уй файзли .....	23
<b>Тарбия</b>	
Зулматдан ёруғликка .....	24
<b>Яхшиликка чақириш</b>	
Жасурбек РАУПОВ	
Ҳаламлиқ зийнати .....	25
<b>Мустаҳкам оила йили</b>	
Саодатли ОСТОНА	
Онамдан бошланган ҳаёт .....	26
<b>Мовароуннаҳр уламолари</b>	
Аҳтам АҲМЕДОВ	
Абдулазиз Ҳалвой .....	27
<b>Шеърят</b>	
Бехзод ФАЗЛИДДИН	
Оғриқларнинг ҳаловатга айлансалар .....	28
<b>Мерос</b>	
Файзулла ОТАХОНОВ	
“Далойилул хайрот”нинг шеърӣ шарҳи ..	30
<b>Тафаккур</b>	
Ёвузлик ҳақида баҳс .....	31
<b>Дурдона</b>	
Шайх ХУДОЙДОД ВАЛИЙ	
Холиқим, севдим Сени... ..	32

## Тафсир

Бадриддин САДРИДДИН

ДУНЁ ВА ОХИРАТ  
ЯХШИЛИГИНИ  
СЎРАЙЛИК

4

Мана шу дуо дунёдаги барча яхшиликларни ўзида жамлайди ва ундаги барча ёмонликлардан қайтаради. Дунё яхшиликларига тинчлик, кенг уй-жой, яхши аёл, мўл ризқ, фойдали илм, солиҳ амал, яхши улов, гўзал олқиш каби нарсалар киради.

Охират яхшиликларига аросатдаги кўрқувдан омонда бўлиш, ҳисоб-китобдан осон ўтиш кабилар киради.

## Ёмонликдан қайтариш

Муҳаммадзафар АҲМАДЖОНОВ

## РИБОНИНГ ЗАРАРЛАРИ

Рибо билан шуғулланган киши ҳасис бўлади, мол-дунёнинг қулига айланади. Мулки қанча кўпайса ҳам, кўзи тўймайди. Бундай инсонлар қалбида эзгулик, раҳм-шафқат йўқ. Пайғамбаримиз (ﷺ) рибо еювчини, едирувчини, уни ёзувчи, гувоҳ бўлганларни ҳам лаънатладилар ва: “Улар тенгдир”, дедилар.

10

## Масала

## СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

**Савол:** Намозда “Фотиҳа”дан сўнг замсура ўқишдан олдин “Бисмиллоҳ”ни айтса намоз бузиладими?

**Жавоб:** Абу Юсуфнинг (Аллоҳ раҳмат қилсин) қавлларига кўра, “Бисмиллоҳ” намозда ҳар бир ракатнинг бошида ўқилади (“Муҳит”). Фатво ҳам шунга кўра берилган (“Татархония”). “Фотиҳа” билан замсура орасида эса “Бисмиллоҳ” айтилмайди (“Виқоя”, “Ниқоя”). Аммо айтилса, намоз бузилмайди.

15

## Хабарлар

## ИСЛОМ ВА ОЛАМ

## Озодалиққа эътибор

Саудия Арабистони ҳукумати Макка шаҳрини ободонлаштириш ва турли кассалиқлар олдини олиш мақсадида янги лойиҳа ишлаб чиқди. Янги технологияда ясалган, олти юз килограммгача оғирликни кўтара оладиган уч юзта улкан чиқинди контейнерлари шаҳарнинг турли туманларига жойлаштирилди.

20

Муқованинг 1-саҳифасида: “Тошлар бағрида”.

Абдугани ЖУМАЕВ суратга олган.

# ДУНЁ ВА ОХИРАТ



«...Одамлар орасида шундайлари ҳам бор, улар: “Эй Раббимиз, бизга шу дунёда бергин”, дейдилар. Ваҳоланки, уларга охирадда насиба йўқдир. Яна шундайлари бор, улар: “Эй Раббимиз бизга бу дунёда ҳам яхшилик ато этгин, охирадда ҳам яхшилик (ато этгин) ва бизни дўзах азобидан асрагин”, дейдилар. Айнан ўшаларга қилган ишларидан насиба (савоб) бордир. Аллоҳ тез ҳисоб-китоб қилувчи зотдир» (Бақара, 200–202).



Бу оят ҳақида Имом Мотуридий тафсирида бундай дейилади: “Бу оят охирадга ишонмайдиган қавм ҳақида бўлиб, улар фақат дунё яхшилигини сўрайдилар, охирад яхшилигини сўрамайдилар. Уларга ўзлари сўраган дунё яхшиликлари берилади.

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

**«Ким охирад экинни (савобини) истар экан, Биз унга экинни (ҳосили)ни зиёда қилурмиз. Ким дунё экинни истар экан, Биз унга ўшандан берурмиз ва унинг учун охирадда насиба (савоб) бўлмас»** (Шўро, 20). Яъни, ким бу дунёга берилиб кетса ва унга мойил бўлса, фақат шу дунёнинг яхшилигини сўраб дуо қилади. Аммо ким қайта тирилишга ишонса, ундай кишилар дунё яхшилигини ҳам, охирад яхшилигини ҳам бирга сўрайдилар ва бундай дейдилар: **«Эй Раббимиз, бизга бу дунёда ҳам яхшилик ато этгин, охирадда ҳам яхшилик (ато этгин) ва бизни дўзах азобидан асрагин»**.

Олимлар дунёдаги яхшилик нимаю охираддаги яхшилик нима экани ҳақида турли фикрлар билдиришган. Баъзилари айтишича, дунёдаги яхшилик – илм ва ибодат, охирад яхшилиги эса жаннат ва мағфиратдир. Бошқа тоифа олимларга кўра, дунёнинг яхшилиги тоат-ибодат ва солиҳ амал қилишга илоҳий мадад ва ризқдир, охирад яхшилиги эса Аллоҳ таолонинг раҳмати ва розилигидир. Расулуллоҳ <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup>: “Аллоҳ таолонинг шундай бандалари бор, улар офият билан тириладилар, офият билан ўладилар ва офият билан жаннатга кирадилар”, дедилар. Шунда одамлар: “Ё Расулуллоҳ <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> қандай қилиб?” дейишди. У зот: **«“Эй Раббимиз бизга бу дунёда ҳам яхшилик ато этгин, охирадда ҳам яхшилик (ато этгин) ва бизни дўзах азобидан асрагин”**, деган сўзни улар кўп айтганлари учун», деб жавоб бердилар.





# ЯХШИЛИГИНИ СЎРАЙЛИК

Ибн Касир тафсирида бундай дейилади: Саид ибн Жубайр Ибн Аббосдан (<sup>Аллоҳ улардан рози бўлсин</sup>) ривоят қилнади: «Кўп араблар Байтуллохни тавоф қилиш пайтида Мавқифга келиб: “Аллоҳим, бу йил серёғин, ҳосилдор, яхши кўпайиш йили бўлишини насиб эт”, деб сўрардилар. Лекин охират иши тўғрисида бирор нарса демас эдилар. Шунда Аллоҳ таоло: “Одамлар орасида шундайлари ҳам бор, улар: “Эй Раббимиз, бизга шу дунёда бергин”, дейдилар. Ваҳоланки, уларга охиратда насиба йўқдир” оятини нозил қилди. Сўнг улар ортидан мўминлар келиб: “Эй Раббимиз, бизга бу дунёда ҳам яхшилик ато этгин,

охиратда ҳам яхшилик (ато этгин) ва бизни дўзах азобидан асрагин”, деб дуо қилдилар. Сўнг Аллоҳ таоло: “Айнан ўшаларга қилган ишларидан насиба (савоб) бордир. Аллоҳ тез ҳисоб-китоб қилувчи зотдир”», оятини нозил қилди. Бу оят билан дунё ва охират яхшилигини сўровчиларни мақтади. Мана шу дуо дунёдаги барча яхшиликларни ўзида жамлайди ва ундаги барча ёмонликлардан қайтаради. Дунё яхшиликларига тинчлик, кенг уй-жой, яхши аёл, мўл ризқ, фойдали илм, солиҳ амал, яхши улов, гўзал олқиш каби нарсалар киради. Бу изоҳларнинг барчаси тўғри, чунки дунёнинг яхшиликлари ана шу неъматлардир.

Охират яхшиликларига аросатдаги кўркувдан омонда бўлиш, ҳисоб-китобдан осон ўтиш кабилар киради. Уларнинг энг олийи жаннатга киришдир. Дўзах азобидан сақланиш учун эса дунёда ҳаром ишлар ва гуноҳдан сақланиш, шубҳали ва ман этилган нарсаларни тарк қилиш керак бўлади. Қосим ибн Абдурахмон айтади: “Кимга шукр қилувчи дил, кўп зикр қилувчи тил, сабр қилувчи бадан берилган бўлса, унга бу дунёда ҳам, охиратда ҳам яхшилик берилибди ва охират азобидан сақланибди”.

Пайғамбаримиз (<sup>У зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин</sup>) ҳам бу дуони кўп айтишга тарғиб қилганлар.

Қатода (<sup>Аллоҳ ундан рози бўлсин</sup>) Анасдан (<sup>Аллоҳ ундан рози бўлсин</sup>) сўради: “Расулulloҳнинг (<sup>У зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин</sup>) энг кўп қиладиган дуолари қайси эди?” У киши: “Роббана атина фид-дуња ҳасана ва фил-ахироти ҳасана ва қина азабан-нар” (“Эй Раббимиз, бизга бу дунёда ҳам яхшилик ато этгин, охиратда ҳам яхшилик (ато этгин) ва бизни дўзах азобидан асрагин”), дуоси дедилар (*Имом Муслим ривояти*).

Абу Мансур Мотурудийнинг  
“Таъвилот аҳл ас-сунна”,  
Ибн Касирнинг “Тафсирул Қуръанил азим” тафсири асосида  
**Бадриддин САДРИДДИН ўғли**  
тайёрлади.



## Имом ноиб мукофот олди

Шу йил 3 май – Бутунжаҳон матбуот эркинлиги куни “Туркистон” саройида “Олтин қалам” миллий мукофоти учун VII халқаро танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлди. Танловдан мақсад миллий ва халқаро журналистика ютуқларини кенг оммалаштириш, журналист ходимлар ижтимоий фаллигини кучайтириш, улардан танқидий фикрлашни, ижо-



дий жараёнга янги-ча ёндашувларни шакллантиришдан иборатдир. Бу йилги танловда беш юзга яқин журналист саккиз минг уч юздан ортиқ ижодий иши билан қатнашди.

Журналистика соҳасидаги бош миллий мукофот “Фарғона ҳақиқати” – “Ферганская правда” газеталари таҳририяти бош муҳаррири Баҳромжон Обиджоновга берилди. Энг яхши интернет мақола учун “Uzreport.com” портали масъул муҳаррири Любов Эберзенок биринчи, “Анадолу” ахборот агентлиги муҳбири Бахтиёр Абдукаримов иккинчи, Тошкент шаҳар “Хўжа Аламбардор” жоме масжиди имом ноиб Шавкат Аҳмедов учинчи ўринни эгаллади.



Интернет журналистика йўналишида маънавият, маърифат ҳамда диний бағрикенглик мавзуларига бағишланган туркум мақолалари учун учинчи даражали диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишони, эсдалик совғаси ва пул мукофотини олган масжидимиз имом ноиб Шавкат Аҳмедовни қизгин табриклаймиз.

**Раҳматуллоҳ  
САЙФУДДИНОВ,**  
“Хўжа Аламбардор”

жоме масжиди имом-хатиби

## ҲИММАТ

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: “**Эзгулик ва тақво (йўли)да ҳамкорлик қилингиз, гуноҳ ва адоват (йўли)да ҳамкорлик қилмангиз**” (*Моида, 2*); “**Аллоҳ эзгулик қилувчиларни севар**” (*Шуаро, 89*). Дарҳақиқат, самимий, холис ёрдам, ҳиммат кўрсатиш туфайли инсонлар ўзаро меҳроқибатли, ахил-иноқ бўлишади. Яхшилик йўлидаги барча ишларимиз нафақат кишилар, балки Аллоҳ таоло ҳузурда ҳам савобли амаллардан бўлишини кўзлашимиз керак. Андижон вилояти Балиқчи туманида фаолият олиб бораётган шифокор Неъматжон Комиловнинг “Диогел люкс” хусусий даволаш

маскани туман аҳолисига беминнат хизмат кўрсатмоқда. Бу маскан туман ногиронлар жамияти билан “Мурувват” лойиҳасини тузиб, ҳар ойда икки кишини бепул даволашни йўлга қўйди. Ҳозирги кунгача бу ерда 34 нафар ногирон соғлигини мустаҳкамлаб олди. Эл-юрт манфаати йўлида ҳормай-толмай хизмат қилаётган, эзгулик улашаётган бундай юртдошларимизни Аллоҳ таоло улғажр-мукофотлар билан сийласин.

**Саидхон БОБОХОНОВ,**  
“Сайид Муҳйиддин маҳдум”  
Ислом ўрта-маҳсус билим  
юрти 3-босқич талабаси

# КЕКСАЛАР БОРЛИГИ УЛУҒ НЕЪМАТ

◀◀ Давоми. Боиланиши 1-саҳифада.

Бундай инсонларга эътиборли бўлмоқ лозим. Чунки уларнинг умри меҳнат билан ўтган, энди кексалик боис ишга ярамай, хасталаниб, куч-қувватдан қолганлар.

Жамият ва она Ватан равнақи учун ҳисса қўшган, оилани оёққа турғазган, ўғил-қизлар ўстириб, едириб-ичирган, оилам, болам-чақам деб елиб-югурганлар ҳам шулар.

Қарилик палласида кишилар ҳаётга ўзгача нигоҳ билан боқади. Сўзлар салмоқли, нигоҳлар вазминлик касб этади. Ҳаётда кўп тажриба орттирган кишилар ювош ва мулоғим бўлиб қоладилар. Кекса одам заифлашиб, ўзи ва ўзгаларга мулоғимлик истади. Уларга нисбатан асосан уч ҳолатда мулоғимлик зарур: ширин муомалада, тансиқ таом тайёрлашда ва юмшоқ ўрин тўшашда.

Имом Муслим Ибн Умардан <sup>(Аллоҳ унинг рози бўлсин)</sup> ривоят қилган ҳадиси шарифда Набий <sup>(У зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup>: «Тушимда мисвок ишлатаётган эдим. Икки киши келди, бирининг ёши катта эди. Мен мисвокни кичигига узатдим, шунда менга: “Каттага бер”, дейилди. Мен ёши каттасига бердим», дедилар.

Ёши улуғларнинг ҳурматини жойига қўйиш дейилганида, ҳар ишда улардан маслаҳат сўраш, йиғинларда юқорироқ жойга ўтказиш, таомга улардан кейин қўл узатиш кабилар тушунилади. Ушбу фазилатлар Расули акрамнинг <sup>(У зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> “Инсонларни ўз ўрнига ўтказинлар”, деган ҳадисларига мувофиқдир.

Аждодларимиз ушбу фазилатларни фарзандларига ҳам сингдиришган. Ота-оналар, устоз ва мураббийлар ҳам ўғил-қизларимизга таълим-тарбия беришда ушбу сифатларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратсалар, мақсадга мувофиқ бўлади.

**П**айгамбаримиз <sup>(У зотга Аллоҳнинг салоти бўлсин)</sup>: “Сизларнинг яхшиларингиз Қуръон ўрганганларингиз ва ўргатганларингиздир” (Имом Бухорий), деб марҳамат қилганлар. Аллоҳга шукр, истиқлол йиллари юртимизда қорилар анча кўпайди. Ҳар йили Ўзбекистон мусулмонлари идораси ташаббуси билан диний таълим муассасалари талабалари ўртасида қорилар мусобақаси ўтказилиши ҳам бу фикрнинг далилидир.

## МУСОБАҚАНИНГ ЯКУНИЙ БОСҚИЧИ

Жорий йилнинг ўн еттинчи апрел куни кўриктанловнинг якуний босқичи Тошкент шаҳридаги “Хўжа Аламбардор” жоме масжидида бўлиб ўтди. Устозлар Қуръони каримни тўлиқ ёки маълум пораларни ёд олган қориларни имтиҳон қилиб, уларнинг кироати ва тажвидга риояси қай даражада эканини синашди.

Мусобақа якунида **мураттаб қорилар йўналишида** Жасурбек Қулбоев (Тошкент Исломи институтининг, 1-босқич) олий биринчи, Улуғбек Ҳасанов (“Қўқалдош”, 2-босқич) биринчи, Муҳаммадали Ҳайитбоев (“Саййид Муҳйиддин Махдум”, 1-босқич) иккинчи, Йўлдошбой Нуриддинов (“Муҳаммад ал-Беруний”, 2-босқич) учинчи ўринни эгаллашди.

Аёл-қизлар ўртасида эса Мадина Саидова (“Жўйбори Калон”, 2-босқич) биринчи, Зарифа Дадажоновна (“Ҳадичаи Кубро”, 4-босқич) иккинчи, Машраббону Неъматова (Тошкент Исломи институтининг, 2-босқич) учинчи ўринга муносиб кўрилди.

**Муъжаввид қорилар йўналишида** Насруллоҳ Ҳалимов (Тошкент Исломи институтининг, 1-босқич) олий биринчи, Абдурашид Камолов (“Саййид Муҳйиддин Махдум”, 3-босқич) биринчи, Абдурахмон Аговуллоев (“Мир Араб”, 3-босқич) иккинчи, Баҳодирхон Жаъфаров (Тошкент Исломи институтининг, 4-босқич) учинчи ўринни олишди.

Аёл-қизлар ўртасида Нозима Нажмиддинова (“Ҳадичаи Кубро”, 4-босқич) биринчи, Нилуфар Абдурахмонова (“Хўжа Бухорий”, 4-босқич) иккинчи, Мадина Шарипова (“Жўйбори Калон”, 3-босқич) ва Муқаддас Мирзаева (Тошкент Исломи институтининг, 4-босқич) учинчи ўринга сазовор бўлишди.

Ғолибларга диплом, фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

**Шавкат АҲМЕДОВ,**  
“Хўжа Аламбардор” жоме масжиди имом ноиб  
(Суратлар муқованинг иккинчи саҳифасида)



**А**бдуллоҳ ибн Умми Мактум кўзи ожиз киши эди. Худди Биллол ибн Рабоҳ <sup>(Аллоҳ ундан рози бўлсин)</sup> каби Расулulloҳнинг <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> муаззинлари бўлган. Қуръони каримнинг ўн олти ояти у ҳақда туширилган.

# АБДУЛЛОҲ ИБН УММИ МАКТУМ

Абдуллоҳ ибн Умми Мактум асли қурайшийлардан, Расулulloҳ <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> билан қариндошлиги бор, Хадича онамизнинг тоғаваччаси эди. Отаси Қайс ибн Зоид ва онаси Отика бинти Абдуллоҳ маккаликларнинг ҳурматли кишиларидан ҳисобланарди. Оналари Отиканинг Умми Мактум деб аталишига фарзанди Абдуллоҳнинг кўзи ожиз ҳолатда туғилгани сабаб бўлди (“умми” – она, “мактум” – беркитилган маъносид).

Расулulloҳ <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> инсониятга сўнгги пайғамбар этиб юборилганларидан кейин, Ислom ҳақида кўпроқ билишга бошқалар қатори Абдуллоҳда ҳам қизиқиш уйғонди. Расулulloҳнинг <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> сўзларини тинглаганидан кейин Ислom ҳақ йўл эканини билди ва мусулмон бўлди.

Абдуллоҳ маккаликларнинг кўп ситамларига чидади. У Расулulloҳни <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> жуда яхши кўрар, кўп вақтини Қуръони каримни ёд олишга сарфлар эди.

Расулulloҳ <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> Ислomга чақирришни биринчи бўлиб Қурайш оксоқолларидан бошладилар. Бир куни Утба ибн Рабиа, Шайба ибн Рабиа, Абу Жаҳл, Умайя ибн Халаф ва Валид ибн Муғира суҳбатига кўшилиб, уларга Ислom дини ҳақида гапирдилар, мусулмон бўлишга чақирдилар.

Шу пайт Абдуллоҳ ибн Умми Мактум <sup>(Аллоҳ ундан рози бўлсин)</sup> келди-да: “Ё Расулulloҳ! Раббингиз сизга билдирганлардан менга ҳам ўргатинг”, деди. Расулulloҳ <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> қошларини чимириб, юзларини бурдилар-да, ўгирилиб, яна Қурайш зодагонларига гапиришда давом этдилар.





Лекин бу Расулуллоҳнинг (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) Абдуллоҳ ибн Умми Мактумни менсимаганлари эмасди. Бу ерда бошқа бир муҳим сабаб бор эди. Агар Макканинг кўзга кўринган одамлари мусулмон бўлса, Исломи дини кучаяр, Пайғамбаримизнинг (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) даъвати қувватланар эди.

Лекин Расулуллоҳнинг (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) кутганлари бўлмади, зодагонлар насихатга кулоқ солишмади. Сухбатдан сўнг ўринларидан туришлари билан кўз олдилари қоронғилашди, бошларини қандайдир оғир нарса босгандай бўлди. Бу ваҳий келганидан эди. Аллоҳ таоло Абдуллоҳ ибн Умми Мактум (Аллоҳ ундан рози бўлсин) сабаб ушбу оятларни нозил қилди:

“(Муҳаммад) юзини буриштирди ва юз ўгирди. Зеро, унинг ҳузурига кўзи ожиз одам келган эди. (Эй Муҳаммад!) Сиз қаердан ҳам билурсиз, эҳтимол у (Сиздан фойдаланиб, ўз гуноҳларидан) покланар ёки эслатма олар-да, сўнгра бу эслатма унга фойда берар?! Аммо (Сизни машғул қилган) бой кимсага эса, бас, Сиз (эйтибор бериб) мутасаддилик қилмоқдасиз. Холбуки, унинг (ўз куфридан) покланмаслиги Сизга зарарли эмас эди. Энди, олдингизга югурган ҳолда (Аллоҳдан) кўрқиб келган киши эса, бас, Сиз ундан чалғимоқдасиз. Йўқ! (Бундай қилманг!) Албатта, улар (Қуръон оятлари) айни эслатмадир. Бас, ким хоҳласа, (уни) ёд этар. (У оятлар Аллоҳ наздида) мукаррам саҳифаларда (яъни) қадри баланд, покиза (саҳифаларда) котиб (фаришта)лар қўлларидадир. (Улар) мукаррам ва итоатли зотдирлар” (Абаса, 1–16-оятлар).

Расулуллоҳ (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) хато қилганларини англадилар. Шу ондан бошлаб Абдуллоҳ ибн Умми Мактумга ҳурматлари янада ошди. Уни кўрганларида тўрдан жой берадиган, ахволини суриштириб, далда ва ёрдамларини аямайдиган бўлдилар.

\* \* \*

Абдуллоҳ ибн Умми Мактум ва Мусъаб ибн Умайр (Аллоҳ ундан рози бўлсин) Мадинага биринчи келган саҳобалар эди. Улар Ясрибга келишлари биланок инсонларга динимизнинг асл моҳиятини тушунтиришга, Қуръони ка-



римни ўргатишга киришишди. Улар туфайли ясрибликлар бирин-кетин мусулмон бўла бошлашди.

Расулуллоҳ (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) Мадинага етиб келганларидан кейин Абдуллоҳ ибн Умми Мактумни Билол ибн Рабоҳ (Аллоҳ ундан рози бўлсин) қатори мусулмонлар учун муаззин этиб тайинладилар. Икковлари ҳар куни беш маҳал жамоатни намозга чақирадиган, нажот сари чорлайдиган бўлишди. Билол (Аллоҳ ундан рози бўлсин) азон айтса, Абдуллоҳ (Аллоҳ ундан рози бўлсин) намозга иқомат туширар, баъзида ўрин алмашишар эди.

Рамазон ойида эса бошқачароқ йўл тутишарди. Билол ибн Рабоҳ (Аллоҳ ундан рози бўлсин) тунда азон айтиб, одамларни саҳарликка уйғотса, Абдуллоҳ ибн Умми Мактум (Аллоҳ ундан рози бўлсин) тонгни кутиб турар, тонг отгач, инсонларни бундан хабардор қилар эди. Ҳамма саҳарлик қилишдан тўхтаб, масжид сари ошиқарди. Расулуллоҳ (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) Рамазон кунлари саҳобаларига: “Билол кечаси азон айтади. Сиз то Абдуллоҳ ибн Умми Мактумнинг азонини эшитгунингизча еб-ичаверинг”, дер эдилар. Ибн Умми Мактум (Аллоҳ ундан рози бўлсин) кўзи ожиз бўлгани сабаб бошқа саҳобалар унга: “Тонг отди, тонг отди. Азон айтинг”, демагунича азон айтмас эди.

Расулуллоҳ (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) сафарга чикқанларида Абдуллоҳ ибн Умми Мактумни Мадинага ноиб қилиб кетишга одатланган эдилар. Ҳатто Макка фатҳида ҳам айнан шу киши Мадина волиий бўлиб қолди. Бу ҳол Пайғамбаримизнинг (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) Абдуллоҳга юксак ҳурматлари ифодаси эди.

**Зиёвуддинхон МАҚСУДОВ**  
тайёрлади.

**С**удхўрлик катта гуноҳлардан саналади. Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: “Эй имон келтирганлар! (Берган қарзларингизни) икки баравар ва ундан ҳам кўпайтириб, устама шаклида еб юборманглар! Аллоҳдан кўрқинглар! Зора, (шунда) толе топсаларинг” (Оли Имрон, 130).

## РИБОНИНГ ЗАРАРЛАРИ

**“Эй имон келтирганлар! Аллоҳдан кўрқинглар ва (чинакан) мўмин бўлсаларинг, судхўрлик сарқитидан воз кечинглар!”** (Бақара, 278).

Аллоҳ таолонинг ҳар бир амр ва қайтариғида биз учун фойдалар бор. Судхўрлик қилишдан қайтарилишимиз ҳам бежиз эмас. Чунки рибо икки дунёда фақат зарар келтиради. Бундай зарарларнинг айримларини олимлар қуйидагича кўрсатишган:

**1. Рибо қалбни қорайтиради.**

Рибо билан шуғулланган киши хасис бўлади, молдунёнинг қулига айланади. Мулки қанча кўпайса ҳам, кўзи тўймайди. Бундай инсонлар қалбида эзгулик, раҳм-шафқат йўқ. Пайғамбаримиз (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) рибо еувчини, едирувчини, уни ёзувчи, гувоҳ бўлганларни ҳам лаънатладилар ва: “Улар тенгдир”, дедилар.

**2. Рибо баракани кетказди.** Пайғамбаримиз (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин): “Рибодан мол кўпайса ҳам, оқибати камлик бўлади”, деганлар. Аслида, судхўрнинг бойлигида яхшилик йўқ, топган-тутгани икки дунёда ҳам зарарига хизмат қилади.

Абдуллоҳ ибн Ханзаладан (Аллоҳ ундан рози бўлсин) ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин): “Кишининг билатуриб судхўрликдан бир динор емоғи ўттиз олти зинодан оғирроқдир”, деганлар (Имом Аҳмад).

**3. Рибо одамлар орасига нифоқ солади.** Судхўрлик қи-

ди. Кейин эса қарзини узиш унинг фарзандлари зиммасига қолади.

**4. Рибо одамни лоқайд ва дангаса қилади.** Судхўрлик қилувчи доим осонгина мўмай даромад топиш илинжида юради. Натижада у кўп гуноҳларнинг боши саналган дангасалик, лоқайдликка берилди.

Динимиз ҳалол меҳнатда пешона тери билан оила боқувчи мўминларни улуғлайди.

Аслида мўмин одам бир кишига холис ниёт билан берган қарзи учун ҳам ажр олади. Динимизда ғамгин кишининг кўнглини шод этиш улуг ишлардан ҳисобланади. Пайғамбаримиз (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) “Ким бир мўминнинг дунё ташвишларидан бир ташвишини

кетказса, Аллоҳ таоло уни қиёмат кунидаги ташвишларидан бирини кетказди. Ким камбағалнинг оғирини енгил қилса, Аллоҳ унга дунё ва охиратда енгиллик пайдо қилади”, деб марҳамат қилганлар.

**Муҳаммадзафар АҲМАДЖОНОВ,**  
“Оқтепа” жоме масжиди имом-хатиби



лувчи зориқиб ҳузурига келган кишиларга ёрдам қўлини чўзиш ўрнига унинг ночорлигидан фойдаланиб қолишга уринади. Ҳожатларини битириш учун қарз олганлар ундан осон кутулолмайди. Шу боис рибо еувчи одамлар орасига адоват уруғини сепади. Чунки у берган қарзига ҳар куни фоиз қўшади. Кўпинча бечора қарздор судхўрдан халос бўлмай бу дунёдан ўтиб кета-

## Момоларимиз айтади...

Ёмоннинг касофати ўзидан бир тош илгари юради.

\* \* \*

Нодон билан юрма – номусингни букади.

\* \* \*

Эгри дарахтга суянсанг, белинг эгилар.

\* \* \*

Пулнинг сийқасидан қочма, одамнинг сийқасидан қоч.

\* \* \*

Тўғри дарахтдан эгри соя тушмас.

\* \* \*

Очликни ёстик кўтаради.

\* \* \*

Ёлғончининг шаҳрига шоҳ бўлгунча, Ростчининг чорбоғида гиёҳ бўл.

\* \* \*

Бир ўзинг доно бўлгунча, Кўп билан девона бўл.

\* \* \*

Меҳрсиз қариндошдан меҳрибон кўшни яхши.

\* \* \*

Етимнинг ҳақи етти дарёни кури тар.

\* \* \*

Олиб олти бўлмаган еб етти бўлармиди?

\* \* \*

Душманини аяган – даккисини ейди.

\* \* \*

Ётган ҳўкиз сомондан қуруқ колар.

\* \* \*

Бахт ялқовга бегона.

\* \* \*

Йиғлаб борсам, хўнграб чиқди.

\* \* \*

Шўрликнинг ерига шўра чиқар.

\* \* \*

Ғарибнинг кўнглини ғариб билади.

\* \* \*

Оғриқ жойини топса, олти ой қишлайди.

\* \* \*

Йўғинг топилгунча боринг йўқотма.

*Самарқанд вилояти Қўшработ тумани Қувқалла қишлоғилик*

**РОБИЯ** аядан  
ёзиб олинди.

## ЯНГИ ТОПИЛГАН МАНБА

Милодий XIV–XV асрларга келиб Ўрта Осиёда накшбандия тарикати кенг ёйилди. Бу йўналиш намояндаларининг ҳаёти, қилган ишлари ҳақида ёзилган бир қанча асарлар бизгача етиб келган. Шундай қўлёзмалардан бири хоразмлик Аҳмаджон Раҳматуллоҳ ўғлида сақланади. Бу қўлёзма кутубхоналар



рўйхатида йўқ, шу боис у ҳозир ягона нусхадир. Аллоҳёр Худойберди ўғли – Маҳзун қаламига мансуб ушбу асар “Риёз аз-зокирин” (“Зикр қилувчилар боғи”) деб номланади. Аллоҳёрнинг отаси Худойберди машҳур Муҳаммад Шариф (Нўғой) эшондан таълим олган. Маҳзун 1260 ҳижрий (милодий 1844) йили туғилган. Бухоро мадрасасида ўқиган, шу билан бирга ҳунармандлик – деворларга накш ўйиш билан ҳам шуғулланган. Кейинчалик қорақалпоқларнинг хитой қавмига қозилик қилган.

Муаллиф ушбу асарида асосан тўртта манба – жумладан, «Тазкират ал-авлиё», «Нафаҳот ал-унс», «Масмуъат», «Рашаҳот айн ал-ҳаят» каби асарлардан фойдаланган, халқ орасидаги турли ривоятларга, ўзига замондош олимлар сўхбатида, ўзи гувоҳи бўлган воқеаларга таянган.

Муаллиф ушбу асарида нафақат тарикат аҳли ҳақида, балки тарихий воқеалар, элатлар, уларнинг урф-одатлари тўғрисида ҳам сўз юритади. Масалан, Қўнғиротдаги Фенахон кўзғолони, руслар босқини, Хива хонлари ҳақида, шунингдек, баъзи қавмларнинг келиб чиқиш тарихи тўғрисида қимматли маълумотлар беради.

320 бетдан иборат қўлёзма рус қоғозига настаълиқ хатида қора сиёҳ билан ёзилган. Тўлиқ ёзиб битирилмаган. Муаллиф китобини 1310–1313 ҳижрий (милодий 1892–1895) йиллар ёзганини таъкидлайди.

Хуллас, бу асар Оролбўйи халқлари тарихига доир қимматли маълумотлар берувчи манбадир.

**Абдурахмон ИДРИСОВ,**

*Тошкент Ислам институти 4-босқич талабаси*



## ДУО, БАШОРАТ ВА ТУШ



Ушбу хабарни Имом Бухорий “Ат-тарихул кабир” ва “Ат-тарихус сағир”да, Абу Довуд, Аҳмад ибн Ханбал, Абу Бакр Баззор, Абу Яъло Мувилий ва Ибн Роҳавайх “Муснад”ларида, Ибн Ҳиббон “Ас-сикот”да, Доримий “Сунан”да, Табароний “Ал-муъжамул кабир”да, Байҳакий “Шуъабул имон”, “Далоилун нубуввах”да, Абу Нуайм “Ал-хулия”да, Бағавий “Шарҳус сунна”да, Ибн Адий “Ал-комил”да, Имом Табризий “Мишкотул масобих”да, Ибн Саъд “Ат-табақотул кубро”да, Ибн Исҳоқ, Ибн Ҳишом ва Ибн Асокирлар “Ас-сийратун набавия” китоб-

Расулulloх <sup>(у зотта Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup>: “Мен бобом Иброҳимнинг дуосиман, Исо ибн Марямнинг башоратиман ва онамнинг тушиман”, деганлар.<sup>1</sup>

Пайғамбаримизнинг “Мен бобом Иброҳимнинг дуосиман” деганларидан мурод Ҳазрат Иброҳимнинг <sup>(у зотта Аллоҳнинг саломи бўлсин)</sup> Исмоил <sup>(у зотта Аллоҳнинг саломи бўлсин)</sup> билан бирга Каъбани кураётганларида: “Эй Раббимиз, уларга ўзларидан бўлган, уларга оятларингни тиловат қилиб берадиган, китоб ва ҳикмат (Қуръон ва ҳадис)ни ўргатадиган ва уларни (куфр ва гуноҳлардан) поклайдиган бир пайғамбарни юбор! Албатта, Сен Ўзинг Азиз ва Ҳакимсан”<sup>2</sup>, деб дуо қилганларидир.

Пайғамбаримизнинг “Исо ибн Марямнинг башоратиман” деганларидан мурод Ҳазрат Исонинг: “Эй Исроил авлоди, албатта, мен Аллоҳнинг сизларга (юборган) Пайғамбариман. (Мен) ўзимдан олдин берилган Тавротни тасдиқловчи ва мандан кейин келадиган “Аҳмад” исмли Пайғамбар ҳақида башорат берувчиман”<sup>3</sup>, деганларидир.

Пайғамбаримизнинг “онамнинг тушиман” деганлари эса, “Онам ўзларидан нур чиққанини кўрганлар ва бу нур туфайли Шом қасрлари ёришиб кетган” мазмунли ҳадиси шарифга ишорадир.

<sup>1</sup> Ҳоким “Ал-мустадрок ғалас саҳихайн”да ривоят қилган, Имом Заҳабий саҳих деган.

<sup>2</sup> Бақара сураси 129-оят.

<sup>3</sup> Саф сураси 6-оят.

ларида, Абдуллох ибн Муборак ва Абу Бакр ибн Мардавайх ҳам ривоят қилган.

Ҳоким “Ал-мустадрок ғалас саҳихайн” китобида бу ҳадиси: “Имом Муслимнинг шартига кўра саҳихдир”, деган. Имом Заҳабий “Ат-талхис”да ва Ибн Ҳажар Асқалоний “Фатҳул Борий”да “Саҳих” дейишган. Шуйайб Арнаут “Муснади Аҳмад” ва “Саҳихи ибн Ҳиббон” таҳрижида: “Саҳихун ли ғойрих”, дейди. Ҳофиз Нуриддин Ҳайсамий “Маҷмаъуз завоид”да ва Аҳмад ибн Абу Бакр Бусойрий “Итҳофул хияратил маҳара” китобида: “Исноди ҳасан”, дейишган. Ҳофиз Зайниддин ибн Абдурахмон ибн Аҳмад ибн Ражаб Димашқий<sup>4</sup>: “Расулulloх <sup>(у зотта Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> туғилаётганларида бу муборак нурнинг чиқиши инсониятни тўғри йўлга бошлаган ва ширк зулматини йўқ қилган хидоят нурига ишорадир”, деган<sup>5</sup>.

Аллома Ибн Касир: “Бу муборак нур чиқиб, Шом диёридаги қасрларни ёритиб юборгани Исломи динининг Шом диёрига ўрнашиб, мустаҳкам бўлишига ишора. Шунинг учун ҳам охирзамонда Шом диёри Исломи дини ва мусулмонлар учун мустаҳкам қалъага айланади. Исо <sup>(у зотта Аллоҳнинг саломи бўлсин)</sup> Шом диёрига, аниқроғи, Дамашқнинг шарқий оқ минораси жойлашган ерга тушадилар”, деган.<sup>6</sup>

<sup>4</sup> Ҳижрий 736 йил туғилиб, 795 йил вафот этган.

<sup>5</sup> “Латоифул маъориф”.

<sup>6</sup> Бақара сураси 129-оят тафсири.



## ОМИНА ОНАМИЗНИНГ ДОЯСИ

Пайғамбаримизга муҳаббатимиз туфайли атрофларида бўлган ҳар бир кишини билгимиз, танигимиз келади. Хўш, Расулulloх (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) туғилаётганларида Омина онамизга ким доялик қилган эди?

Айрим ривоятларда Исонинг (у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) оналари покдомон Марям билан Мусони (у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) улғайтирган ҳазрат Осиёдек мукаррама зотлар ҳозир бўлишгани айтилган. Аммо “Марям ва Осиё оналаримиз Расулulloх (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) туғилаётган пайтда ҳозир бўлганлари” ҳақидаги ривоятни имом Суютий “Ал-хасоисул кубро” китобида (1/47): “Жуда ҳам мункар”, деган.

Ҳақ гап эса Омина онамизга Шифо (Аллоҳ ундан рози бўлсин) доялик қилганларидир.<sup>7</sup> Шифонинг онаси Салмо, эри Авф, ўғиллари Абдурахмон ва Асвад, қизи Отикадир (Аллоҳ улардан рози бўлсин)<sup>8</sup>.

Оламлар сарварининг ёруғ дунёга ташрифиди истиқболларига чиққан, бўлажак пайғамбарни илк кутиб олиш шарафига муяссар бўлган Шифо бинти Авфни (Аллоҳ ундан рози бўлсин) Аллоҳ таоло кейинчалик ҳам кўп яхшиликлар ила сийлади. Шифо ҳақ дин келганида уни қабул этди, истиқоматда собит бўлди, Расулulloх (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) ҳаётлик даврларида вафот этди ва ўғли Абдурахмоннинг (Аллоҳ ундан рози бўлсин) жаннати экани башоратини олди.

## ИЛОҲИЙ ИРОДАНИНГ РЎЎБИ

Расулulloх (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) дунёга келганларидан сўнг Омина онамиз қайноталари Абдулмутталибга одам жўнатиб, набирали бўлгани хабарини етказди. Абдулмутталиб беҳад қувонади, чақалоқни олиб, Каъбанинг ичига киради, Аллоҳга дуолар қилиб, шукроналар айтади ва шу ерда муборак набирасига “Муҳаммад” деб исм кўяди. Қизик, Абдулмутталиб нимага асосланиб ота-боболарининг урфида бўлмаган бу исмни кўйди?

Бу борада икки асос бор:

1. Абдулмутталиб Расулulloх (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) туғилишларидан бир оз олдин белидан

бир учи осмонда, бир учи ерда, яна бир учи шарқда ва бир учи ғарбда бўлган қумуш занжир чиққанини туш кўради. Кейин ҳалиги занжир улкан бир дарахтга айланади. Ҳар бир япроғида нур бўлиб, машриқу мағриб аҳолиси унга осилаётган ва уни тинмай мактаётган эди. Тушини таъбирчиларга айтганида, улар зурриётлари орасида бир фарзанд дунёга келишини, бутун машриқу мағриб аҳолиси унга эргашиши, еру осмон аҳли уни макташини айтади. Абдулмутталиб мана шу тушга асосланиб, “Муҳаммад” деб исм кўйган.<sup>9</sup>

<sup>7</sup> Ибн Касир, “Ал-бидоя ван ниҳоя” (2/264), “Ас-сийратун набавия”(1/207); Шайх Муҳаммад Хузайри, “Нурул яқин фи сийрати саййидил мурсалин” (1/5); Шайх Али ибн Нойиф Шаҳхуд, “Мавсуъатул хутабил минбария” (2/107); Муаррих Ҳасан ибн Умар, “Ал-муқтафо мин сийратил мустафо” (1/3); Муҳаммад ибн Юсуф Шомий, “Субулul худо вар рашод фи сийрати хойрил ънбод” (1/341); Саййид Маҳмуд Тарозий (Олтинхонтўра), “Нурул басар”; Ҳасан ибн Муҳаммад Машшот, “Иноратуд дужо фи мағозий хойрил варо” (2/75); Иброҳим Ибёрий, “Ал-мавсуъатул Куръония” (1/25).

<sup>8</sup> Муҳаммад ибн Саъд, “ат-Табақотул-кубро” (8/248).

<sup>9</sup> Имом Олусий, “Рухул маъоний” (4/73); Абду Раҳмон Сухайлий, “Ар-равзул унф фи шарҳис сийратин набавия ли Ибн Хишом” (1/182); Шайх Муҳаммад Тоййиб Нажжор, “Ал-қовлул мубин фи сийрати саййидил мурсалин” (1/84).



2. Омина онамиз ҳам ҳомиладорлик пайтида бир туш кўради. Тушида муборак ўғил кўриши башорат қилинади ва унга “Муҳаммад”<sup>10</sup> деб исм қўйиши буюрилади. Вақт-соати келиб, Омина онамиз муборак ўғилни дунёга келтирганида, тушини қайнотасига айтади. Абдулмутталиб тушларнинг бежиз эмаслигини тушунади<sup>11</sup>. Дарвоқе, Замзам қудуғининг қаерга кўмилгани ҳам, уни очиш ҳам Абдулмутталибга тушида билдирилган эди.

Абдуллоҳ ибн Аббосдан ривоят қилинади: «Пайғамбаримиз <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> туғилганларининг еттинчи куни Абдулмутталиб муборак набираси номидан, ўша пайтдаги арабларнинг одатига кўра, кўчкор сўйиб, Қурайш аҳлига зиёфат беради. Меҳмонлар зиёфат сўнгида: “Бу набиранг шарофати билан бизни жуда сийладинг, унга қандай исм қўйддинг?” деб сўрашади. У: “Муҳаммад деб исм қўйдим”, дейди. Улар: “Ота-боболарингда бунақа исм йўқ-ку?” деб ажабланишганида, у: “Мен бу набирамнинг ерда ҳам, осмонда ҳам доимо мақталишини хоҳладим», дейди”<sup>12</sup>.

Аслида эса, Аллоҳ таоло сўнги пайғамбарининг исми “Муҳаммад” бўлишини ирода этган ва бу илоҳий ироданинг рўёбини Абдулмутталиб билан Омина онамизга туш орқали илҳом қилиб, юзага чиқарди. Чунки асл Тавротда “Муҳаммад” деб, асл Инжилда “Аҳмад” деб хабар берилгани маълум<sup>13</sup>.

**Абдул Азим ЗИЁВУДДИН ўғли,**  
Тошкент Ислам институти ўқитувчиси

<sup>10</sup> Барча ровийлар Омина онамизнинг тушида Пайғамбаримизга “Муҳаммад” деб исм қўйиши буюрилган, деганлар. Фақат Ибн Саъдгина “Муҳаммад”нинг ўрнига “Аҳмад” деб ривоят қилган.

<sup>11</sup> Муаллифлар Ибн Исҳоқ, Ибн Хишом ва Вокидий каби сийрат уламоларининг ривоятларига асосланиб, китобларида ушбу маълумотни баён қиладилар.

<sup>12</sup> Бу маълумотни Ҳофиз Абу Бакр Аҳмад Байҳақий “Далоилун нубуввах” (1/40) ва Ибн Асокир “Тариху Димашқ” (3/81) китобларида ривоят қилишган бўлиб, барча муаллифлар китобларида мана шунга асосланишади, натижада бу маълумот жуда ҳам машхур бўлиб кетади.

<sup>13</sup> Муҳаммад ибн Абу Бакр ибн Қаййим Жавзия, “Жалоул афҳом” (4/55); Қози Муҳаммад Сулаймон Мансурфурий “Раҳматун лил олаимин” (1/31); Муҳаммад ибн Юсуф Шомий, “Субулул худо вар рашод фи сийрати хойрил ъбод” (1/418); “Иқоматул хужжати ълал олаимин би нубуввати хотамин набийин” (2/194).

## СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон АЛИМОВ жавоб беради.



**Савол:** Ислам тарихига доир китобларни ўқиганда “фитрат замони” ҳамда “фитрат аҳли” деган ибораларга дуч келиб, маъносини тушунолмадим. Илтимос, ана шулар ҳақида маълумот берсангиз.

**Жавоб:** “Фитрат” (ёки “фатрат”) сўзи луғатда бирор вақт оралиғи маъносида ишлатилади. Уламолар истилоҳида эса у икки пайғамбар келган пайт ўртасидаги даврни ифодалайди.

Бу сўз, хусусан, Исо <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> ва Пайғамбаримиз Муҳаммад <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> пайғамбарлик даврлари оралиғидаги вақтга нисбатан қўлланади. Ана шу пайтларда яшаб ўтган инсонлар “фитрат аҳли” – узилиш даврида яшаганлар, деб номланади. Баъзи уламоларнинг фикрича, Расулulloҳ <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> пайғамбар этиб юборилганларидан кейин дунёга келиб, кимсасиз ерларда, якка-ёлғиз ҳолда тоғларда яшаб, Ислам хабарини эшитмаганлар ҳам фитрат даврида яшаган инсонлар ҳукмидадирлар.

Бу ҳолатдаги инсон мотуридийлик ақидасига кўра, фақат ўзининг ва оламнинг Яратувчиси борлигини идрок қилиши керак. Имоннинг бошқа шартлари, ибодатлар ва Ислам ҳукмларини ақл билан топиб бўлмагани боис улардан масъул бўлмайди.

Ашъарийликка кўра эса, бундай одам Аллоҳ таолонинг борлигига имон келтирмаса ҳам нажот аҳлидан бўлаверади. Аммо кўпчилик уламолар мотуридийлик қарашларига қўшилганлар.



**Савол:** Жаноза намози ташкарида ўқилганида жойнамоз солиб ўқиш керакми?

**Жавоб:** Шарт эмас. Аммо жаноза намози ҳам намозлигини эътиборда тутиб, адо этиладиган жойнинг поклиги шарт



қилинган. Шунга кўра, жойнамоз солинмаса ҳам, турган ерингиз ва оёқ кийимингиз пок бўлиши керак. Оёқ кийимни ечиб, устига туриб олиш тавсия этилади.

**Савол:** Қазо намозларни қайси пайт ўқиган маъқул?

**Жавоб:** Аслида намозларни иложи борича ўз вақтида адо этишга ғайрат қилиш керак. Инсоннинг ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бундан мустасно. Энди ана шу ҳолатлар сабаб намоз қазо бўлиб қолса, уларни адо этишга маълум бир вақт ажратилмаган. Аммо куннинг уч вақтида ўқиб бўлмайди. Булар кун чиқаётган, қуёш тиккага келган ва кун ботаётган вақтлардир (“Баҳрур роиқ”).



**Савол:** Жума намозига келган одам таҳиятул масжид намозини қай маҳал ўқийди?

**Жавоб:** Бизнинг мазҳабимизда масжидга кирганида ўтирмасдан олдин икки ракат таҳиятул масжид намозини ўқиш



нафл ибодатдир. Аммо масжидда фарз намозини ўқиган киши айна пайтда таҳиятул масжидни ҳам адо этган ҳисобланади. Жума кун масжидга келган одам таҳиятул масжидни ўқимоқчи бўлса, имом хутба ўқиш учун минбарга чиқишидан олдин ўқиб олиши керак. Хутба бошланганидан сўнг нафл намозлари ўқиш макруҳдир (“Фатовойи Ҳиндия”).



**Савол:** Намозда “Фотиҳа”дан сўнг замсура ўқишдан олдин “Бисмиллоҳ”ни айтса намоз бузиладими?

**Жавоб:** Абу Юсуф <sup>(Аллоҳ ризовини бўлсин)</sup> сўзларига кўра, “Бисмиллоҳ” намозда ҳар бир ракатнинг бо-

шида ўқилади (“Муҳит”). Фатво ҳам шунга кўра берилган (“Татархония”). “Фотиҳа” билан замсура орасида эса “Бисмиллоҳ” айтилмайди (“Виқоя”, “Ниқоя”). Аммо айтилса, намоз бузилмайди.



**Савол:** Мусулмон эр ёки аёл билан бошқа динга эътиқод қилувчи шахс никоҳланиши мумкинми?

**Жавоб:** Мусулмон эркак фақат аҳли китоб (насоний ёки яҳудий) аёл билан никоҳланиши жоиз, аммо муслимага уйланигани яхшидир. Чунки кўпчилик фақиҳлар, жумладан, Абу Ҳанифа <sup>(Аллоҳнинг ризовини бўлсин)</sup> бундай никоҳни макруҳ деганлар. Ушбу динлардан бошқасига эътиқод қилувчилар билан никоҳланиш тақиқланган. Муслима аёлнинг бошқа диндаги эр билан никоҳланиши мутлақо мумкин эмас. Яъни никоҳланиши учун у эрлар Исломи динини қабул қилишлари шарт (“Фатовойи Ҳиндия”).



**Савол:** Ёмон хаёлларни ўйлаш гуноҳми?

**Жавоб:** Дастлаб бу нарса гуноҳ бўлган. Чунки Пайғамбаримизга <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> “...Ичингиздаги нарсани ошкора қилсангиз ёки яширсангиз ҳам, Аллоҳ сизларни у билан ҳисоб-китоб қилур...” (Бақара, 284), ояти нозил бўлган. Шунда саҳобалар <sup>(Аллоҳ уларни роҳи бўлсин)</sup> олдиларига келиб, “Қўлимиз, оёғимиз ва тилимиз билан қилган гуноҳларимизга тавба қиламиз, аммо васваса (ёмон хаёл)дан ўзимизни қандай тия оламиз, зеро, хаёл суриш инсоннинг ихтиёридан ташқари ҳолат-ку”, деб шикоят қилишади. Шунда Аллоҳ таоло: “Аллоҳ ҳеч бир жонга тоқатидан ташқари нарсани таклиф этмайди...” (Бақара, 286) оятини тушириб, мўминларни бу юкдан халос қилди (“Тафсири Табарий”). Яъни, энди мўминлар мияларидан ихтиёрсиз кечадиган ёмон ўй-хаёллари сабабли, то уларни тилга чиқармагунларича ёки ўшани қилмагунларича сўроққа тутилмайдиган бўлишди. Лекин мусулмон одам иложи борича доим яхши нарсалар ҳақида ўйлаши, бўлмағур хаёллар миясига келганида зикр, тасбеҳ, салавот ва истиғфор айтиб, уларни ҳайдаши керак.

# ЯХШИЛАР ЁДИ

**Э**нг яхши анъаналаримиздан бири аجدодларни хотирлаш, уларнинг руҳини шод этишдир. Пайгамбаримиз (у зотга Аллоҳнинг салом бўлади) “Ўтганларингизнинг яхши амалларини эслаб туринглар”, деб марҳамат қилганлар. Ўзбекистон мусулмонлари идораси равнақиға улкан ҳисса қўшган зотлар ҳақида кўп ёзганмиз. Зеро, уларнинг умр йўлларида биз учун ибрат кўп.

## ИСМОИЛ МАХДУМ СОТТИ ЎҒЛИ

Исмоил Махдум Сотти ўғли 1893 Наманган шаҳрида Сотти Охунд хонадонида туғилди. Болалиқдан араб тили ва хаттотликни ўрганишга қизикди. Куръони каримни тўлиқ ёд олди. Отасидан ва етук олим Собитхон тўрадан тафсир, ҳадис, фикҳ илмини

чилиги боис бу ишларнинг уддасидан чиқди. Кейинчалик у зот Тошкентда очилган Ислому Олий маъҳадида узок муддат тафсир, ҳадис, фикҳ ва нахв фанларидан дарс берди.

1957 йили Исмоил Махдум ҳазратлари диний назорат раисининг биринчи муовини этиб тайинланди. У зот хаттотлик санъатини ҳам пухта эгаллаган эди. Диний назорат номидан араб ти-

билан Мухторжон домланинг оиласи болалиғида Бухорога кўчади. У биринчилардан бўлиб “Мир Араб” мадрасасига ўқишга кирди. Мухторжон болалиқдан ўта тиришқоқ эди. Дарсдан кейин устозлардан кўшимча сабоқ олар, тинмай изланар эди. Талабалик йиллари “Мухтасарул виқоя”, “Кофия” китобларини тўлиқ ёд олди. Унинг салоҳиятини сезган устозлар мадрасада мударрисликка тавсия этишди. Ҳозир кўп республикаларда у кишидан сабоқ олган талабалар дин хизматида, масъул вазифаларда ишлашяпти.

1991 йил юртимиз мустақилликка эришди. Динимиз, қадриятларимизга эътибор кучайди. Мухторжон домланинг ҳам ғайратига яна ғайрат қўшилди. 1993 йили мусулмонларнинг навбатдаги қурултойида у Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий этиб сайланди. Мухторжон домла 1997 йилгача шу вазифада ишлади. 2002 йили оламдан ўтди.

Аллоҳ таоло барча устозларимизни раҳматига олсин.

*Бу гулшан ичра йўқдур бақо гулига сабот,  
Ажаб саодат эрур чиқса яхшилик била от.*

Алишер Навоий

ўрганди. Эл ичида илми билан танилган Исмоил Махдум 1943 йили диний назоратнинг ташкилий комиссиясига аъзо этиб тайинланди.

1945 йилдан Бухородаги Мир Араб мадрасасида таълим-тарбия ишларини йўлга қўйиш, ўқув режаларини тузиш, устозлар танлаш ва ташкилий масалаларни ҳал этишдек муҳим масалаларга бош бўлди. Ўша даврда мадрасага муносиб устозларни жалб қилиш, дарсликлар етказиб бериш жуда қийин иш эди. Исмоил Махдум ташкилот-

лидаги хат ва ҳужжатларни кўпинча у киши ёзарди. Ҳазрат Усмон Мусҳафи тарихига бағишланган нодир асари унинг илмий салоҳиятини ҳам яққол намоён этади.

Исмоил Махдум Сотти ўғли 1976 йили вафот этди.

## МУХТОРЖОН АБДУЛЛОҲ БУХОРИЙ

Мухторжон Абдуллаев 1928 йили Қўқон шаҳрида туғилган. Турмуш тақозоси

Абдуқаххор ШОШИЙ

**Т**аниқли ўзбек алломаларидан Алихонтўра Соғуний (1885 – 1976) ҳозирги Қирғизистон ҳудудидаги Тўқмоқ шаҳрида туғилди. Вояга етгач, Бухоро мадрасаларида илм олди, кейинчалик эса мударрислик қилди.

## СОҒУНИЙ ЎГИТЛАРИ

Алихонтўра Соғуний қатор тарихий асарлар муаллифи. Ислом тарихига доир “Тарихи Муҳаммадий” асари китобхонларимиз меҳрини қозонгани маълум. Алломанинг “Туркистон қайғуси” асари Марказий Осиё ва Шарқий Туркистон халқларининг миллий озодлиқ ҳаракати тарихига доир жуда муҳим манбадир. Алихонтўра Соғуний Соҳибқирон бобомизнинг “Темур тузуклари”ни ўзбек тилига таржима қилган<sup>1</sup>. “Биздан эмасдир Ватанни севмаганлар” китобига бобомизнинг имон, ватанпарварлик, чиройли одоб, ҳаё, илм олиш, яхшилик қилиш каби мавзуларда битилган шеърлари жамланган. Ушбу асарларда биз ёшларнинг баркамол инсонлар бўлиб камол топишимизда сув ва ҳаводай зарур бўлган ўғитлар жуда кўп. Қуйида алломанинг насиҳатларидан намуналар келтирилмоқда.

\* \* \*

Тирик эрмас кишиким, дангаса эрса,  
Ичолмас сув қўлига коса берса.

Билингким, камбағал дангаса бўлса,  
Эмас мумкин фақирликдан қутулса.

\* \* \*

Ҳасаддин сақлагил зинҳор ўзингни,  
Шу бирла ўйғуси шайтон кўзингни.

Ҳасаднинг сеҳрини, бил, жонга етгай,  
Ўтиб жондин, яна имонга етгай.

Ҳасадхўр бўлғуси доим аламда,  
Кўролмас, ёнғусидир дарду ғамда.

Ҳасаддин чиққуси ғийбат-шикоят,  
Бузар бирликни бу иш бениҳоят.



Узар ғийбат муҳаббат риштасини,  
Қилар душман сенга бир нечтасини.

\* \* \*

Замонавий илмни қўлга киргиз,  
Жиловин тут, ақл йўлида юргиз.

Буюк олим эсанг-да, бўлма мағрур,  
Кичикларга раҳм қил, айла масрур.

Ҳасад бирла кибр икки балодир,  
Булардин кўп фалокатлар бўлодир.

\* \* \*

“Ҳуқуқлар ҳимоясининг энг кучли қуроли илм-ҳунар ва маорифдир. ...Ватан ўғлон-қизларимиз замонавий илм-ҳунарни асли билан яхши тушуниб, имконияти бориचा билиб ўзлаштиришга бошқалардан ортиқроқ киришмоқлари лозимдир”<sup>2</sup>.

ЎзМУ талабаси

**Ўткир ҲАСАНОВ,**  
**Улуғбек ИСМОИЛОВ**  
тайёрлади.

<sup>1</sup> Алихонтўра Соғуний. “Тарихи Муҳаммадий”. Тошкент, 2011. 7-б.

<sup>2</sup> Алихонтўра Соғуний. “Туркистон қайғуси”, 23-б.





# ИСЛОМ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИ ТАРИХИДАН

“Сияр” арабча “хаёт йўли”, “таржимаи ҳол”, “яшаш тарзи” каби маъноларни билдирувчи “сийрат” сўзининг кўплик шаклидир<sup>1</sup>. “Сияр” сўзи Қуръони каримда келмаса-да, шу

ўзакдан ясалган турли сўзлар йигирма етти ўринда учрайди<sup>2</sup>. Муртазо Зубайдийнинг (1732–1790) “Тоҷул арус мин жавоҳирил қомус”<sup>3</sup> асарида сийрат сўзининг синонимлари сифатида “тариқа” (йўл, усул) ҳамда “хайъа” (шакл) сўзлари келтирилган. Ибн Манзурнинг “Лисонул араб”ида<sup>4</sup> эса ушбу сўзнинг услуб, маъноси ҳам борлиги билдирилган. Ислому халқаро ҳуқуқи масалаларини ўрганувчи фикҳ соҳаси номи сифатида сиярнинг айнан мана шу “услуб” маъноси олингани тахмин қилинади<sup>5</sup>. Аммо кўп ҳолатларда ислом илмларида “сияр” билан бир қаторда “таржимаи ҳол”, асосан Пайғамбарнинг (ﷺ) ҳаёт йўли маъносидаги “сийрат” атамасининг ҳам кенг қўлланилиши, баъзи ўринларда эса “сияр”нинг ҳам “таржимаи ҳол” маъносида ишлатилишини кўрамайз.

Ўрганишлар “сияр” ҳамда “сийрат” сўзлари ўртасида нафақат луғавий, балки тажрибавий-тарихий алоқадорлик ҳам борлигини кўрсатади. Пайғамбаримизнинг (ﷺ) ҳаётига доир илк ёзма манбалар мағози, яъни, ғазотлар ҳақидаги маълумотлар таркибида келтирилган. Бир неча тобеин мағозига оид китоб ёзганидан келиб чиқиб, унинг биринчи ҳижрий аср охирига келиб, фаннинг мустақил соҳаси сифатида шакллангани ҳам тахмин қилинади.

<sup>1</sup> Носиров О. ва бошқалар. Ан-Наъйм. Арабча-ўзбекча луғат.—Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2003. 405-б.

<sup>2</sup> Масалан, Тоҳо сурасининг 27- оятида ( сийрат сўзи “ҳолат”, “шакл” маъноларида келган.

<sup>3</sup> Зубайдий, Муртазо. Тоҷул арус мин жавоҳирил қомус Байрут: Дорул ҳидоя,

<sup>4</sup> Ибн Манзур. Лисонул араб. Ж. 21. — Қоҳира: Дорул маъориф, йили кўрсатилмаган. 2170-б.

<sup>5</sup> Муртазо Зубайдийнинг “Тоҷул арус”ида куйидагиларни ўқиймиз: “Пайғамбарнинг сийрати ҳамда сияр китоблари сийрат сўзининг усул маъносидан келиб чиққан”.

Умавийлар даврининг охири, аббосийлар ҳукмронлигининг илк йилларига келиб, ушбу маълумотлар асосида кенг қамровли йирик асарлар яратилди. Ўз навбатида, Ибн Исҳоқ (ваф. 151 х.)<sup>6</sup>, Воқидий<sup>7</sup> (130/747–207/823), Ибн Саъд<sup>8</sup> (168/784–230/845), Балазурий<sup>9</sup> (тах. 820–892), Табарий<sup>10</sup> (839–923) каби сийрат ва тарих мусаннифлари ҳам мана шу манбаларга асосланишган.

Манбаларга мувофиқ “сийрат” ҳамда сияр сўзлари айнан қайси даврдан бошлаб шаклан жиҳатдан фарқ қила бошлаганини англаш мушкул. Умуман, ҳижрий иккинчи асрнинг биринчи чорагидан бошлаб Пайғамбаримизнинг (ﷺ) таржимаи ҳолига нисбатан сийрат, мусулмонлар ҳамда мусулмон бўлмаган давлатлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи фикҳ соҳасига нисбатан эса сияр истилоҳи ишлатилгани аниқ кўринади.

Ҳуқуқий мазмундаги Сиярга доир дастлабки маълумот ва қарашлар Зайд ибн Алининг (75/694–122/740) “ал-Мажмуъ”, Абдурахмон Авзойининг “Сияр ал-Авзойи”, Абу Юсуфнинг “ар-Радду ала сияр ал-Авзойи”<sup>11</sup> китобларида учрайди. Баъзи маълумотларга кўра, Зуфар ибн Ҳузайл ҳамда Иброҳим Фазорий-

<sup>6</sup> Тўлиқ исми Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Ясор Қураший Мутталибий Маданий. Саҳобалардан Анас ибн Молик, Ибн Мусайяб ва Абу Салама ибн Абдурахмонларни кўрган.

<sup>7</sup> Тўлиқ исми Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Умар Воқидий. Ҳижрий 130 йилда Мадинада туғилган. 180 йили Йроққа борган ва халифа уни Бағдодга қозиб этиб тайинлаган. Вафотида қадар қозилик қилган ва 823 йилда вафот этган.

<sup>8</sup> Тўлиқ исми Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Саъд ибн Муниъ Бағдодий. “Воқидийнинг қотиби” номи билан машҳур бўлган. “Ас-сияр аз-затийя” асари билан танилган. Манба: [http://ar.wikipedia.org/wiki/محمد\\_بن\\_سعد\\_البيгдаي](http://ar.wikipedia.org/wiki/محمد_بن_سعد_البيгдаي)

<sup>9</sup> Тўлиқ исми Аҳмад ибн Яҳё ибн Жабир ибн Довуд Балазурий. Араб тарихчиси, таржимон ва шоир. Бағдодда туғилган. ал-Мутаваккил (847–861), ал-Мустаъин (862–866) каби халифаларнинг хурмати қозонган, халифа ал-Мутаззага (866–869) устозлик қилган. «Футх ал-булдан» асари айниқса, катта шухрат қозонган. Манба: <http://ru.wikipedia.org/wiki/Белазури>

<sup>10</sup> Тўлиқ исми Абу Жафар Муҳаммад ибн Жарир ибн Язид ибн Катир ат-Табарий. «Мусулмон тарихшунослигининг отаси» сифатида эътироф этилган. «Тарих ал-русул вал-мулк» — «Пайғамбарлар ва подшоҳлар тарихи» асари машҳур. Манба: [http://ar.wikipedia.org/wiki/محمد\\_بن\\_جرير\\_الطبري](http://ar.wikipedia.org/wiki/محمد_بن_جرير_الطبري)

<sup>11</sup> Бу китобда икки фикҳ мактабининг сияр соҳасидаги қарашлари киёсланиб, Абу Ҳанифа ва Авзойиларнинг ихтилофлари ўрганилган.

лар ҳам сияр бўйича китоб ёзишган<sup>12</sup>. Дастлаб “Кичик сияр”, умрининг охирларида эса маълумотларни янада такомиллаштириб, “Катта сияр”ни ёзган Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний эса сиярнинг тўлақонли ислом халқаро ҳуқуқига айланишида катта ҳисса қўшган<sup>13</sup>. Баъзи манбаларда Абу Ҳанифанинг “Китабус сияр” номли асари бўлгани ҳақида маълумотларни учратамиз. Аммо у бизгача етиб келмаган<sup>14</sup>. Шофийининг “Китобул умм” асари таркибида бизгача “Сиярул Авзойи”<sup>15</sup> ҳамда “Сиярул Воқидий”<sup>16</sup> асарлари ҳам етиб келган. Ушбу манбаларнинг номлари ва уларнинг таркибий тузилиши ҳижрий иккинчи аср охирига келиб, сияр мустаҳкам фикҳий соҳага айланишини кўрсатади.

Сияр соҳасига доир ҳанафий фикҳи бўйича мукамал манба “Китобур рад ала сиярил Авзойи” асаридир.

Абу Юсуф ислом халқаро ҳуқуқи масалаларини чуқур ўрганиш билан бирга, сияр тамойилларига содиқ бўлгани ҳақида ҳам турли маълумотлар учрайди. Сарахсий ёзишича, Абу Юсуф ўлими арафасида Яратганга муножот қилиб, “Эй Аллоҳим, мен ҳар нарсада адолатли ҳукм қилдим, фақат бир ҳолат бундан мустасно, шунинг ўзинг кечиргин”, деганида атрофидагилар ўша ҳолат нималигини сўрашган. Шунда Абу Юсуф бир куни бир масиҳий мўминлар амири устидан шикоят қилганида, у (суд жараёнида) халифадан масиҳий билан бир мақомда туришини сўрамагани ва бу у йўл қўйган ноҳақлик бўлганини айтган<sup>17</sup>. Бу мисол Абу Юсуф даврига келиб, бошқа жамият вакили билан муносабатларни тартибга солувчи, сияр қодалари ишлаб чиқилганини кўрсатиш билан бирга, уларнинг адолат ва тенг ҳуқуқийликка асосланганини ҳам исботлайди.

<sup>12</sup> [http://www.iosminaret.org/vol-2/issue19/Minarets\\_of\\_illumination.php#heading4](http://www.iosminaret.org/vol-2/issue19/Minarets_of_illumination.php#heading4)

<sup>13</sup> Маълумотларга кўра, Абдурахмон Авзойи “Кичик сияр”ни кўздан кечириб, “Ироқликларга бу мавзуда китоб ёзишни ким қўйибди?! Ахир, улар сиярнинг нима эканлигини билмайдилар-ку”, деган сўзлари Муҳаммад ибн Ҳасанни ғазабга солган ва у бор маҳоратини ишга солиб, “Катта сияр”ни ёзган экан. Авзойи ушбу китобни кўрганида, “Агарда, тасдиқловчи ҳадислари бўлмаганида, у ўзича илм қилган дердим”, деб юқори баҳо берган.

<sup>14</sup> Абу Юсуф. (Авзойининг сияр китобига раддия). – Ҳайдаробод: Лажнат ихё ал-маърифат ан-нуъмония, 1938. 2-б.

<sup>15</sup> Шофийий, Муҳаммад ибн Идрис. (Ал-Умм). Ж. 9. – Ал-Мансура: Дор ул-вафо, 2001. 171–277-б.

<sup>16</sup> Шофийий, Муҳаммад ибн Идрис. (Ал-Умм). Ж. 5. – Ал-Мансура: Дор ул-вафо, 2001. 639–721-б.

<sup>17</sup> Йилдирим Саъод. Усманийларда бағрикенглик маданияти. 17-сон. –2009. 25-б.

Олимлар ислом халқаро ҳуқуқи шаклланишида яна бир ҳанафий олим Муҳаммад ибн Ҳасаннинг ўрни беқиёс бўлганини қайта-қайта эътироф этишган. Масалан, Муҳаммад Дасукий<sup>18</sup>га кўра, Муҳаммад ибн Ҳасан уруш ва тинчлик вақтида мусулмонлар ва мусулмон бўлмаганлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларга доир батафсил китоб ёзган ягона факих<sup>19</sup> ва исломда халқаро ҳуқуқ фикрини илгари сурган илк олим ҳисобланади<sup>20</sup>. Доктор Муҳаммад Афифи халқаро ҳуқуқнинг асоси бўлган асарлар сифатида Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг “Ас-Сияр ас-сағир” ва “Ас-Сияр ал-кабир”ларини эътироф этаркан “Ҳолбуки, у (яъни, Шайбоний) ҳолландиялик ҳуқуқшунос Гуго Гроцийдан (Hugo Grotius, 1583–1645) ва инглиз ҳуқуқшуноси Ричард Зёчдан (Richard Zouche, 1590–1661) саккиз аср олдин яшаган”<sup>21</sup> деб таъкидлайди.

Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг обрўи халқаро микёсда ҳам эътироф этилган. Жумладан, 1932 йили Францияда халқаро ҳуқуқ соҳаси билан шуғулланувчи “Шайбоний” жамияти тузилган. Олмониянинг Готтингем шаҳрида ҳам 1955 йили “Халқаро ҳуқуқ бўйича Шайбоний жамияти” ташкил этилган ва мисрлик ҳуқуқшунос доктор Абдулхамид Бадавий унинг илк раиси этиб сайланган<sup>22</sup>. Ушбу муассаса Шайбоний асарларини ўрганиш, унинг фикрларини юзага чиқариш, халқаро ислом ҳуқуқига доир китобларини нашр қилиш билан шуғулланган.

Умуман, ислом халқаро ҳуқуқи соҳасида бизгача етиб келган энг нодир ва батафсил манба муаллифи бизнинг ватандошимиз, Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Саҳл Сарахсий ҳисобланади. Бинобарин, ушбу алломанинг ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганиш, сияр – ислом халқаро ҳуқуқи шаклланиши ва ривожланишида тутган ўрнини аниқлаш, унинг бу борадаги ғоя ва фикрларини замонавий халқаро ҳуқуқ тамойиллари билан солиштириш давр талабидир.

**Абдумалик  
ТУЙЧИБОВ,**

*Тошкент Ислам университети  
тадқиқотчиси*

<sup>18</sup> Қоҳира университети доктори.

<sup>19</sup> Каранг: Дасукий М. (Имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний ва унинг ислом фикҳидаги ўрни). – Доха: Дор ас-сакофа, 1987. 325-б.

<sup>20</sup> Ўша асар 343-бет.

<sup>21</sup> Афифи Муҳаммад Содик. (Исломда халқаро муносабатлар). 23-б.

<sup>22</sup> <http://www.feqhweb.com/vb/t11311.html>

# ИСЛОМ ВА ОЛАМ



## Қизиқтирувчи ўйинлар оқибати



Халқаро Ислom кенгаши турли хил совринлар учун уяли телефонда хат жўнатиб ўйналадиган турли тадбирларда иштирок этиш тақиқланиши ҳақида фатво чиқарди. “Ҳар хил ширкатлар тақдим этаётган қизиқтирувчи ўйинлар Ислomда қораланган. Бундай ўйинлар мусулмонларни жалб қилиб, унга муккадан кетишларига сабаб бўляпти. Бошқаларнинг омадсизлиги эвазига ютукқа эришиш ҳамда вақтни бекор ўтказиш мусулмончиликка умуман тўғри келмайди,” дейди кенгаш аъзоси Салмон Авдех.

## Ислom ҳамкорлик ташкилотининг IX йиғилиши

Ислom ҳамкорлик ташкилоти 19 – 20 апрел кунлари Ғабон Республикаси пойтахти Либревил шаҳрида аъзо мамлакатлар ахборот вазирларининг IX халқаро анжуманини ўтказди. Йиғилиш тинчлик ва тараққиёт йўлида оммавий ахборот воситаларининг ҳозирги кундаги аҳамиятига бағишланди. Унда Ислom дини, мусулмонлар ҳаёти ва турмуш тарзининг хориждаги оммавий ахборот воситаларида ёритилиши масаласи кўрилди. Шунингдек, анжуман



иштирокчилари баъзи аъзо давлатларда Ислom ҳамкорлик ташкилотининг матбуот шўъбаларини очиш, уларни жаҳон талабларига мос барча замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш зарурлигини айтишди.

## Берлинда исломий анжуман

Берлин шаҳрида Олмониядаги мусулмон жамоалари вакиллари анжумани бўлиб ўтди. Ушбу анжуман мамлакат Ички ишлар вазири Ганс Питер Фридрих бошчилигида ташкил этилди. Унда мамлакатнинг ўн етти федерал вакилликдан мусулмон жамоалари аъзолари иштирок этди. Анжуманда Олмонияда истиқомат қилаётган мусулмонлар ҳаёти ва уларнинг турли муаммолари кўриб чиқилди. Ушбу аънавий тадбир 2006 йилдан бери мунтазам ўтказиб келинади.



## Ақсо масжидига ташриф

Миср Араб Республикаси муфтийи Али Жума 18 апрел куни Фаластиннинг Қуддус шаҳридаги “ал-Ақсо” масжидини зиёрат қилди. Мусулмонларнинг учинчи муқаддас масжидида у икки ракат намоз ўқиб, икки халқ дўстлиги равнақини тилаб, дуолар қилди. “ал-Масрий ал-Явм” газетасига берган суҳбатида ушбу ташрифни мамлакатлараро дўстлик ва бирдамлик рамзи сифатида баҳолашини таъкидлади. Икки соат ташриф давомида Али Жумага Ўрдун шаҳзодаси Ғози ибн Муҳаммад





ибн Талол, Қуддуси шариф муфтийи, “ал-Ақсо” масжиди имом-хатиби Муҳаммад Аҳмад Хусайн, Қуддус Ислон вақфи бошқармаси раиси Абдулазим Сахлаб ва Қуддус хайрия жамғармаси директори Аъзам Хатиб ҳамроҳлик қилишди.



### **Сайёҳлик ривожини учун**

Мутахассислар маълум қилишича, ҳозир Малайзия энг кўп мусулмон сайёҳлар дам оладиган мамлакатдир. 2011 йили Малайзияга келган мусулмон сайёҳлар етти миллион саксон олти минг нафарга етди. Халқаро сайёҳлик маркази бош директори Абдуррахмон Шаърий мижозларнинг тобора ортиб бориши соҳа вакилларига катта масъулият юклашини айтди. Демак, Ислон динига эътиқод қилувчи барча сайёҳлар учун янада қулайликлар яратиш устида тинмай иш олиб бориш ва мижозлар талабига биноан янги хизматлар кўрсатиш, саёҳат турларини кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

### **Шри Ланкада анжуман**



26–28 апрел кунлари Эрон Ислон Республикасининг Шри Ланкадаги элчихонасида Ислон дини мазҳабларини уйғунлаштириш мавзuida анжуман бўлиб ўтди. Уч кун давом этган тадбирда мусулмонларни бирдамликка ундаш, сунний ва шиа мазҳаби вакиллари ўртасида дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари кўрилди. Ўша кунлари Шри Ланка миллий кутубхонасида Эрон маданияти кўргазмаси намоиш этилди.


### **Динлараро мулоқот**

Шу йил 25 апрел куни Киев шаҳрида динлараро мулоқот анжумани ўтказилди. Уни Александр Фелдман жамғармаси ва жаҳон инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

институти ташкил этди. Анжуманда Қуддус Патриархи Феофил III, Россия мусулмонлари идораси раиси Нафиғулла Аширов, Дониёд-Лама, Оврупа кенгашининг собиқ бош котиби Валтер Швиммер, Иззи Лемберг, турли диний ташкилотлар вакиллари, журналист ва санъаткорлар иштирок этди. Йиғилишда турли динлар, конфессиялар вакилларининг тотувлик, ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик асосида дўстона алоқаларини тиклаш масалалари илгари сурилди.

### **Тадбиркор ҳиммати**

“Эбнер ва Шпигел” босмахонасида чоп этилган ўн тўрт минг нусха Қуръони карим Швейцариянинг Аарау, Базел, Винтертур, Санкт Галлен ва Цюрих каби шаҳарлари жоме масжидларига тарқатилди. Бундай хайрия тадбири Олмониянинг ўттиз бешдан ортиқ шаҳарларидаги жомеларда ҳам ўтказилган эди. Бу иш фаластинлик тадбиркор, Олмония фуқароси ҳиммати билан амалга оширилди.



### **Насронийлар ва мусулмонлар**


Покистонда “Мусулмонлар ва насронийлар бирдамлик йўлида” мавзuida халқаро анжуман ўтказилди. Уни Лаҳор шаҳридаги “Бодомий” жоме масжиди имом-хатиби Саид Муҳаммад Абдулкабир Озод ташкил қилди. Йиғилишда беш юз нафардан кўп турли дин вакиллари иштирок этди. Покистон католиклар жамияти раҳбари Франциск Надим анжуманни юқори баҳолаб, икки динга эътиқод қилувчи инсонларнинг ўзаро алоқаларини янада ривожланишига хизмат қилишига ишонч билдирди. Бир неча йиллардан бери мамлакатда мусулмонларга раҳнамолик қилиб келаётган Абдулкабир Озод католик Шоҳбоз Бхатти ҳамда бошқа дин вакиллари билан аҳил ва иноқ бўлиб келганини ҳам таъкидлади.

### **Озодаликка эътибор**

Маккаи мукаррамага ҳаж ва умра ибодатини адо этишиш учун йилига миллионлаб

мусулмон ташриф боради. Улар ўзлари билан ҳар хил озиқ-овқат маҳсулотлари ва бир марта фойдаланадиган идишлар олиб келади. Уларнинг қолдиқлари эса шаҳар кўркини бузиши мумкин. Саудия Арабистони ҳукумати Макка шаҳрини ободонлаштириш ва турли касалликлар олдини олиш мақсадида янги лойиҳа ишлаб чиқди. Янги технологияда ясалган, олти юз килограммгача оғирликни кўтара оладиган уч юзта улкан чиқинди контейнерлари шаҳарнинг турли туманларига жойлаштирилди. Чиқиндилар махсус қувурлар орқали тўғри шаҳар ташқарисидаги алоҳида майдонга чиқариб ташланадиган бўлди. Лойиҳани молиялаш учун эллик миллион евро маблағ сарфланди.

### Жайпур анжумани



Ҳиндистоннинг Жайпур шаҳрида 5–6 май кунлари IX Ислом халқаро анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда мамлакат Бош вазири Раджастхана Ашок Гехлот, Конгресс бош қотиби Дигвиджей

Сингх, Соғлиқни сақлаш вазири А.Кхани ва Таълим вазири Кишор Шарма қатнашдилар. Иштирокчилар диний таълим соҳасини ривожлантириш, талабаларни дарсликлар билан таъминлаш ва бошқа масалаларни кўриб чиқишди.

### Ичкиликка қарши

“Софий хоутелс” ширкати Туркиянинг Мардина шаҳрида юз хоналик янги меҳмонхона барпо этди. Унинг ўзига хос томонларидан бири меҳмонхона



ҳудудига спиртли ичимликлар умуман киритилмаслигидир. Бундай маскан тинч шароитда дам олишни истаганлар учун жуда қулай. Турли адабиётларга бой кутубхона ишлаб турибди. Ширкат июн ойидан бошлаб Истанбул, Денизли, Измир каби йирик шаҳарларда йигирмадан ортиқ шундай меҳмонхона қуриш ниятида.

### Малака ошириш курси

Қозоғистон мусулмонлари идораси мамлакат чекка туманлари масжидларининг имом-хатиблари учун бир ойлик малака ошириш курслари ташкил этди. Имом-хатиблар



Қуръони карим, ҳадис, фикҳ ва Ислом тарихидан маърузалар тинглашади. Уларга қавм олдида ўзларини муносиб тутиш, турли бузғунчи оқимларга қарши кураш сирлари ўргатилади.

### Ногиронлар мусобақаси

Маккаи муқаррамада ногирон болалар ўртасида Қуръони карим мусобақаси бўлиб ўтди. Ушбу хайрия мусобақасини Саудия Арабистони сайёҳлик ва тарихий ёдгорликлар бўйича қўмитаси, ногирон болалар уюшмаси ташкил этди. Уюшма раҳбари Султон ибн Солмон “Араб янгиликлари” муҳбирига берган суҳбагида бундай деди: “Ногирон болалар ҳам бошқалар сингари турли мусобақаларда қатнашишлари ва ундан завқ олишларига шароит беришимиз керак. Улар орасида соғлом тенгдошларига ўрناк бўларли даражада қобилиятлилари ҳам бор. Бу хислатларини муносиб баҳолаш бизнинг бурчимиз”.

### Диний-маърифий тадбир

Америка мусулмонлари Миссури штатидаги “Жефферсон Сити” маданият марказида 2 май куни диний-маърифий тадбир ўтказишди. Анжуманда давлат арбоблари, бошқа динлар вакиллари ҳам иштирок этди. Тадбирни ўтказишдан асосий мақсад Исломнинг тинчлик ва бағрикенглик дини экани ва бошқа дин вакиллари каби осуда ҳаёт кечириш тарафдори эканини намоён этишдир. Анжуман иштирокчиларидан бири Файзан Саид бундай деб таъкидлади: “Дунё мудҳиш жиноятлар қилаётган қабих кимсаларнинг айби деб Ислом динини қоралашига барҳам бериш ва кенг омма унинг асл моҳиятини тўғри англашига эриш лозим”.

**О**ила муқаддас ватан, дея таърифланади. Чунки у тарбия маскани, одамийлик фазилати, ахлоқий қадриятлар шаклланадиган даргоҳ. Ана шу масканда аёлнинг ўрни беқиёс.

## ҚИЗЛИ УЙ ФАЙЗЛИ


Рўзгор тутуми, хонадоннинг иқлими, табиати уй бекасининг хусусиятларига ҳамоҳанг бўлади. Аёл яхши бека бўлса, ҳамма нарсани ўз ўрнига қўяди, оила аъзолари ўртасидаги меҳр-муҳаббат ришталарини боғлаб туради. Аксинча бўлса, ўша уй зиндонга айланади...

Шундай экан, қиз фарзанд ўстириш, тарбиялаш энг нозик масала. Кексаларимиз уйланмоқчи бўлган йигитга насихат қилиб: “Солиҳ фарзанд дунёга келишини истасанг, яхши она танлаш керак”, дейди. Албатта, қиз бола

она бўлганида ўғилми-қизми фарзандига андоза бўлади. Гўдак ҳомила пайтидаёқ онасининг хусусиятларини ўзлаштиради. Ёруғ дунёга келиб, биринчи кўргани ҳам онаси бўлади. Уни эмади, ундан гап-сўз ўрганади, ҳаракатларига таклид қилади. То мустақил бўлгунича онасининг измида юради. Қиз бола учун энг яқин кишиси она эканини ҳамма билади. Онанинг ҳам сирдоши, дардкаши қизидир. Шунинг учун “Онасини кўриб, қизини ол”, дейишади.

Кўп оталар қизига “Онам” деб мурожаат қилишади. Чунки қиз фарзанд ота-она-

сига меҳрибон бўлади. Қиз кўрганида хафа бўлган айрим оталар кейин қизлари борлигидан жуда қувонишади. Чунки қиз бола ширин ва меҳрли сўзлари билан отасининг ғам-тафтини олади, ғамхўрлиги билан жонига ора киради.



Қизи бор уйнинг файзу таровати бошқача. Нафосат иси келади у хонадондан. Аёлнинг яратилишида гўзалликка, покликка интилиш, зийнатга ўчлик бор. Зеро, вазифалари ҳам уй-жой юмушларига боғлиқ.

Ўзбек хонадонларида қиз бола тарбияси оғир, деб бу масалага алоҳида ёндашилади. Ёшлигидан ёмон кўздан, кабиҳ сўздан асраб-авайланади. Вояга етгунича шаънига гард тушмасин деб ота-она парвона бўлади.

Қиз бола бировнинг хасми. Эртага ота-онасининг юзу кўзи бўлиб бошқа хонадонга боради. Бахтини топсин, тах-

тига етсин, деб эртаю кеч дуода бўлишади. Балоғатга етган қизларига меҳмондай муомала қилишади. Ҳар бир хатти-ҳаракатини тўғрилаб, келин бўлиб тушадиган хонадон учун тайёрлашади. Аслида, бу одоб-ахлоқ йўриғи қиз бола-ни бекаликка тайёрлаш, оналикка кўниктиришдир. Демак, аёлнинг энг биринчи вазифаси ҳам айнан мана шуларда акс этади.

Бир она юрагидаги ушбу сўзларга эътибор қилинг: “Боғимда бир гул ўстиряпман. У атиргул ғунчасидек сирли. Уни шамоллардан, қуёш жазирамасидан, ёмон кўздан асраш ҳаётим мазмуни бўлиб қолди. Шамолдан қовжираш, жазирамада жизганак бўлиш мен учун ўстираётган ғунчаннинг бевақт очилиши ёхуд эрта заволини кўришдаги қийноқлардан-да енгилроқ ва тотлироқдир...”

Ҳассос юрагидан тўкилган бу сўзлар билан она гулдек жигарпорасини шафқатига ўраб, қалб кўрида асрашини билдирмоқчи бўлади. Аммо она меҳрини ифодалаш учун сўзнинг кучи етмаса керак.

**Гулнора МАЪРУПОВА,**

*“Хадичаи Кубро”  
аёл-қизлар Ислому ўрта махсус  
билим юрти ўқитувчиси*



Зарифа жуда ғамгин бўлиб қолди. Босаётган қадамлари уни қаёққа бошлаётганига ҳам эътибор қилмас, ёруғ дунёси қоронғулашиб борар эди. Ҳаммани ўзидек ўйлагани учун, атрофдагиларга ишонарди. Нима қилган бўлса ҳам, одамларга фақат яхшилик истади. Самимияти суиистеъ-мол қилинганида, ишончи парчаланди. Балки унинг бу ҳолати бошқалар учун ўткинчи ва арзимас ҳодиса бўлиб кўринар, аммо унинг нафсига жуда оғир келди.



Шу алфозда узок юриб, бир ўриндикка чўкди. Оппоқ булут ўрлаган осмонга тикилди, балки кўнглимга сокинлик кирар, деб ўйлади. Аммо юрагини сиқиб турган нарса ҳеч қўйиб юбормасди. Анча ўтирди, вақт ўтганини билмади ҳам. Бир онахон келиб ёнига жойлашганида, ўй-хаёлларини тўплашга уринди.

– Бунча паришонсан, қизим? Нима бўлди, хафамисан? – деб сўради аёл.

– Ассалому алайкум! Йўў-ўқ. Яхши, ҳаммаси жойида...

– Қизим, дард берган шифосини ҳам беради. Ғам-андух, ташвиш, орзу ва қувонч кабилар инсонга хос неъмат. Биз учун муҳими дунё ва охираат ўртасидаги мувозанатни барқарор ушлаш. Дунёда қулиб, охираатда йиғласак ёки бу дунёда хурсанд бўлиб, сўнгги манзилда доғда қолсак, яшашимиздан нима фойда? Кўнглимиз меҳмонхонага ўхшайди. Ундаги туйғулар – аламлар ҳам, шодликлар ҳам меҳмон. Ҳеч қачон уларни муқим санама. Ўткинчи ғамлар учун ҳасрат чекма, улар кетади. Бугун келган қувончдан ҳам ортиқ севинма, уларнинг бақоси йўқ. Шундай экан, ҳодисалар қаршисида ҳаддан

ташқари қувониш ва фиғон чекиш ярамайди. Қизим, мусибатлар, чорасизликлар, бандани Раббига юзлантиради. Тилни зикрга ўргатади. Ҳаётда фақат орзу-хаёлининг ортидан чопган инсон ўзлигини йўқотади, ҳаддидан ошади ва одамларга ҳам қўпол муомалада бўлади...

Зарифа онахоннинг гапларини кўнглига малол олмай тинглади. Юзига боқиб, хузурга ўхшаш бир нарса топгандай бўлди ва ичидаги бор гапини тўккиси келди:

– Онахон, уни дўстим деб ўйлаган эдим, сирларимни, дардларимни унга ишонувдим...

Аммо онахон охиригача гапиришига қўймади:

– Қизим, ҳар неъматнинг бадали бор. Биз лойиқ кўрилган неъматлар катта бўлганимиз сари ўтайдиган ҳақларимиз ҳам ўшанга яраша бўлиб бораверади. Дўстинг сенга нима қилган бўлса, бир имтиҳон, холос. Бу ҳолатда қилишинг керак бўлган ягона нарса сабр ва Яратганга сиғинишдир. Неъмат ҳам Ўзидан, меҳнат ҳам...

– Аммо улар...

– Улар йўл беришмаяпти, деб умидсиз бўлма. Дўстинг ҳам яхши ниятли бир инсон. Лекин юрагида бир парда бор. У ҳаётининг ҳақиқатини ҳали ҳануз англамаган. Ҳақиқий хузур ва саодатни билмас балки. Шунинг учун самимиятингни тушунмаган ва бу сени хафа қиляпти. Ғам чекма, Худо хоҳласа, у ҳам тузалади. Биз гарданимизга тушганини қиламиз. Сабр этамиз. Гўзал ахлоқли бўлиб, ўрнак кўрсатамиз. Раббимизнинг тавфиқини сўраб сен ҳам дўстинг қалбидаги ғафлат пардасини эҳтиёткорлик ва ҳассос бир шаклда кўтаришга ёрдам бер.

– Жаҳл устида бир ҳаёсизлик қилишдан кўрқаман...

– Гўзал қизим, унутма, ҳар бир аёл-қизнинг энг қимматли бичимдаги либоси иффатидир. Аёллик шарафини фақат иффат соясида кўриқлаш мумкин. Динимиз бу масалага энг кўп аҳамият беради. Марям онамиз ҳаёси туйфайли Қуръони каримда мадҳ этилиб, исми ўттиз тўрт жойда зикр қилинган. Бу шараф бошқа ҳеч бир аёлга насиб қилмаган.

Онахон Зарифа ҳомиладор эканини сезиб, юпатувчи оҳангда давом этди:

– Ҳозирги ҳолатингда ҳар бир нохуш ҳодиса сенга оғир ботиши мумкин. Аммо энг гўзал деб таърифланадиган аёлсан. Шу гўзаллик,

айникса, феълингга ярашади. Хотин киши ҳомилали бўлиш, кўзи ёриш, эмизиш, фарзанд тарбиялаш каби оғир, аммо шарафли ишларни кўтаради. Шу билан бирга, оилани саранжом-саришта қилади. Унинг бу фазилати, кенг меҳр-муҳаббати фақат имони, ҳаёси, сабри билан чуқур эҳтиром ва бир умрлик ташаккурга лойиқ. Динимиз аёлга берган эътибор-ҳурматни англаш учун унинг фитратини таҳлил этишнинг ўзи етарли. Аёллар эркаклардан фарқли яратилган. Ҳар икки жинснинг ўзига хос хусусиятлари ва заиф томонлари бор. Эркак киши жисм ва ақл тарафидан аёлдан устун бўлса, руҳий ва ҳиссий қувват жиҳатидан аёлнинг даражаси баланд. Мана шу бой ҳиссий дунёси сабаб фарзандини энг гўзал шаклда вояга етказди, тарбия қилади. Ҳасрат чеккан пайтларингда ҳазрат Марямга, ҳазрат Хадичага, ҳазрат Фотимага ва барча мўминлар оналарига эргаш. Қизим, ўрнингдан тургин-да, кечирим сўрайдиган яқинларинг бўлса, уларнинг олдидан ўт, сенда ҳақи борларнинг ҳақини адо эт, шунда қалбингдаги ғашликлар чекинади. Гапириб вақтингни олган бўлсам, рози бўл, болам...

Зарифа онахоннинг гаплари таъсирида ўзини қуш каби енгил ҳис қилди. Ортидан миннатдор кузатиб қоларкан: “Расулulloх <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> жаннат оёқлари остида бўлишини айтган оналар ҳар ҳолда шундай оналардир”, дея ўрнидан турди. Қалбидаги зулмат тобора чекиниб борар, ўрнини ёруғлик эгаллаётган эди.

**Зебунисо ҲУСАЙН**



Кечиримли, камтарин, катталарга хурматда, кичикларга иззатда, мўминнинг айбини беркитиш, обрўсини сақлаш, ҳатто жониворларга раҳм-шафқат қилиш мақталган хислатлардан. Ҳадисда: “Обрўли кишиларингизнинг камчиликларини кечиринглар», дейилган. Албатта, айбсиз Парвардигорнинг Ўзидир. Банда ҳар қанча етук, улуғ бўлмасин, баъзида хато ҳам қилади. Айрим ғарб мамлакатларида урф бўлганидек, минглаб яхши ишлар қилган одам бир марта адашса, шу айбини элга ёйиб, жар солиш ярамас одатдир.

Анас ибн Моликдан <sup>(Аллоҳ ундан рози бўлсин)</sup> ривоят қилинади: «Расулulloх <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup>: “Ҳарқ (йиртиқ, тешиқ, эски) ҳар бир нарсада бўлса, албатта, уни айбли қилади. Албатта, Аллоҳ ҳалимдир, ҳалимликни яхши кўради”, дедилар».

Ҳалимлик дейилганида асосан хушмуомалалик, ҳар бир ишни гўзал ва осон йўл билан амалга ошириш тушунилади. Яъни, кўполлик ҳам қилмайди, ўта заиф ҳолга ҳам тушмайди. Имом Шофиъий <sup>(Аллоҳнинг раҳмати бўлсин)</sup>: “Баъзи пайтда ўзини билмасликка олиш ҳам оқил инсоннинг иши”, деганлар.

Ойша онамиз <sup>(Аллоҳ ундан рози бўлсин)</sup> ривоят қилади: Расулulloх <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> бундай дедилар: «Эй Ойша, мулойим бўл. Шубҳасиз, мулойимлик ҳар нарсада бўлса, уни зийнатлайди ва у нимадан суғуриб олинса, айбли қилади» (*Абу Довуд, Имом Муслим*).

Баъзида мискин, бечораларни менсимайдиган димоғдор кимсаларнинг кўрс муомаласидан кўнглимиз ранжийди. Аммо содда, камтарин, кўлидан келса, яхшилик қиладиган, қурби етмаса, бошқаларга зарари тегмайдиган инсонлар ҳам орамизда кўп. Ҳазрат Алишер Навоий байтларидан бирида: “Кимки, бир кўнгли бузукнинг хотирин шод айлагай, Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай”, деб ёзади. Шоир бу ўринда бир бечорани хурсанд қилишнинг савоби нечоғли улуғ эканини баён этмоқда.

Ибн Убайддан <sup>(Аллоҳ ундан рози бўлсин)</sup> ривоят қилинади: «Отам менга гапириб берди: “Мен Ойша <sup>(Аллоҳ ундан рози бўлсин)</sup> олдига кирмоқчи эдим, онамиз: “Тўхтаб тур! Мен кўйлагимни ямаб олай”, дедилар. Кутиб турдим. Кейин: “Эй мўминларнинг онаси! Агар мен ташқарига чиқиб, бу воқеа ҳақида одамларга айтсам, улар сизни бахил деб ўйлашади”, дедим. У зот: “Билиб қўй, ким эскини киймас экан, янгисини ҳам кия олмайди”, дедилар».

Инсоннинг мулойим, камтар бўлиши гўзал фазилат, кўполлик, дағаллик, манманлик эса катта айбдир. Демак, яхши ишларга шошилганимиз каби гўзал хулқли, чиройли муомалали, камтар ва ҳалим инсон бўлишга ҳаракат қилишимиз керак.

**Жасурбек РАУПОВ,**

*Тошкент шаҳридаги «Носирхон» жоме масжиди имом-хатиби*

Онам менинг касалманд-сўлғин чехрамга йигирма йил термилиб умидвор яшади. Уйқум қочса, у ҳам бедор, овқат емасам, унинг ҳам иштаҳаси йўқоларди. Мен чарчасам, тинка-мадори қуриган тўксон ёшли кампирдай, оёқларини судраб босарди. Мен сабаб онам эрта қариди. Бир томони олтмишинчи йилларнинг заҳар-заққумли оғир меҳнати, иккинчиси менинг оғир касалим онамни бир чангалгина

тўшак қилиб ётиб қолардим. Ота-онамнинг кўрсатмаган дўхтири ҳам, ичмаган дорим ҳам қолмади. Бу дорилардан бир пиёла иссиқ сувчалик наф кўрмадим. “Касал бўлсанг ҳам, шукр қил”, дердилар онажоним. Шу биргина нурли сўз қалбимни қуёшдек ёритиб турарди. Менинг касалим асаб тизими толиқиши экан. Шифокорлар уни руҳий ҳамда жисмоний таъсир орқали даволашаркан, толиққан

## ОНАМДАН БОШЛАНГАН ҲАЁТ



асаб тугунларини кўзгатиб, тиклаб соғломлаштириш илмий асосланган экан. Олтмишинчи йилларда мени силаб-сийпаб, қулоқларимдан, оёқларимдан, панжаларимдан тортқилаб муолажа қилган нуроний отахон сабаб онадан соғлом ва бақувват туғилгандек ҳаётга қайтиб, катта-катта қадам ташлаб юришга илк бор ишонч ҳосил қилдим. Онам Аллоҳдан сўраганидек, нонимни ўзим синдириб ейдиган даражага ҳам етдим.

Кейин оила деб аталмиш боғ ҳам барпо этдим. Унда фарзанд, невара, чевара, эвара

қилиб ташлади. Мен қоқилсам, у йиқиларди. “Оҳ, болам-а, қанийди сен ҳам одамлардай ўз нонингни ўзинг олиб, синдириб есанг. Худодан тилаганим, одамлардай соғлом, серфарзанд бўлгин. Ризқинг бутун, умринг узун бўлсин”, деб дуо қиларди. Шунда ҳам онам мен учун қайғуриб, қуйиб, кул бўлиб бораётганини билмабман. Энди билдим, оналарни қаритадиган ҳам, яшартирадиган ҳам, яшна-тадиган ҳам боласи экан. Мен инжик, елимдек ёпишқоқ касалликка мубтало бўлган эдим. Онамнинг бошимда ҳайкалдек қотиб турганлари ҳеч эсимдан чиқмайди. Ҳар-ҳар замон пешонамни силаб, юмшоқ, иссиқ панжаларини юзимга-кўзимга ишқаларди. Бу қўллар нақадар меҳрли, нақадар ёқимли эди, ундан аъзои баданим роҳатланиб, меҳр булоғидан сув ичгандек, юрак-бағрим қониб яйрарди.

“Она, болалар билан бир ўйнаб келсам, майлими?” дердим. Юзимга термилиб: “Кўп ўйнамагин, чопма, толиқиб қоласан”, дердилар раҳматлик. Энди ўйласам, онам зукко экан. “Йўқ, ўйнамайсан” десалар борми, менда яшашга ишонч йўқоларди. Болалар билан ўйнаб юришга ҳавасим кетиб, бир кун ўйнасам, ҳафта-ўн кунлаб тинка-мадорим қуриб, кўрпа-

ра деган кўчатлар униб-ўсиб бўстонга айланди. Онамнинг дуоларини ижобат қилган Аллоҳга шукроналар айтаман. Онам болалар билан ўйнаб-кулиб юрганимни кўрса, севиниб чехраси қуёшдай порларди. “Менинг болам ҳам элнинг боласи бўлиб, элга қўшилди-я, Аллоҳим, элдан айирма, эл бўлиб яшасин”, деб дуо қиларди. Шунинг учун ҳам оналар ҳадиси шарифларда улуғланган-да.

Онамдан бошланган ҳаёт мен учун бахт эшигини очди. “Нон-тузинг шу Ватан туфайли. Уни оқлаш учун умр охиригача Ватан деб меҳнат қилмоғинг, уни оилангдек асрамоғинг зарур. Шунда барака топасан. Ватан она тимсоли бўлиб, бошингни силайди. Меҳнатингга муносиб олқиш ва эъзоз беради”, дерди онам раҳматлик.

Худди шундай бўлди. Қирқ йил ўқитувчилик қилдим. Эл-юрт мени эъзозлади. Кўксимга нишонлар тақди. Онамдан бошланган ҳаёт – Ҳисор тоғидан эниб келаётган азим дарёдай ташна қалбимни суғориб, озиқлантириб турди. Оналар бор экан, иншааллоҳ, бундай дарёлар қуримайди.

Саодатли ОСТОНА,  
Қашқадарё вилояти





# АБДУЛАЗИЗ ҲАЛВОЙИЙ

*“Шамсул аймма” унво-ни билан шухрат топган Абдулазиз ибн Аҳмад ибн Наср ибн Солиҳ Ҳалвойи етук фақиҳларимиздан биридир. Абу Саъд Самъоний қаламига мансуб “Насабнома” китобининг бухоролик олимлар қисмида ёзилишича, Ҳалвойининг отаси ҳалво пишириб, сотиб тирикчилик қилиб юргани учун у кишига ота касби билан нисбат берилган.*

Ҳалвойининг туғилиши билан боғлиқ маълумот бирор-бир манбада келмагани боис туғилиш санаси ҳозирча маълум эмас. Ота томонидан аждодлар силсиласи Пайғамбаримизнинг <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломини бўлсин)</sup> жиянлари ва куёвлари Али ибн Абу Толибга <sup>(Аллоҳ ундаи розин)</sup> боғланади. Абдулхай Лакнавийнинг “Фавоид ал-бахийя фит-тарожима ал-ҳанафийя” китобида қайд этилишича, ироқлик кўпгина фақиҳлар унвон танлашда касб-хунар, қабила ёки бирор жой номига нисбат бериш билан “Жассос” (сувоқчи), “Қудурий” (қозончи) каби соддагина тахаллуслар олишган.

Қорахонийлар пойтахтини Ўзгандан Самарқандга кўчиргач, Ҳалвойи Кешга сургун қилинади. У киши қолган умрини шу ерда ўтказди. Абдулазиз Ҳалвойи тахминан 1058 йили Кешда вафот этади. У кишининг жасади Бухорога олиб келиниб дафн қилинади. “Мен у зотнинг қабрларини зиёрат қилдим”, дейди “Насабнома” асари муаллифи Абу Саъд Самъоний.

Чор Русияси даврида Калобод мазори бузилиб, ўрни уй-жой учун ер майдони сифатида ажратиб берилган. Ҳалвойининг қабри ҳам янги бунёд этилган уйлар ичида қолгани сабабли 2004 йи-

ли турбати Бухоро шаҳрининг Самарқанд кўчасидаги “Шох Аҳси” ёдгорлигига кўчирилди. Шу жойда у зотнинг шогирдларидан бири Бакр Заранжарийнинг қабри ҳам бор.

Ҳалвойининг “шамсул аймма” деб улуғланадиган уламо даражасига етишида устозларининг хизматлари катта бўлган. Абдулхай Лакнавий Абдулазиз Ҳалвойининг фикҳ илмидан устозлари силсиласи Абу Ҳанифага бориб етиши ҳақида маълумот беради. Ҳалвойидан Сарахсий (1010–1093), Абул Уср Паздавий (1010–1089), Абул Юср Паздавий (1030–1099), Бакр ибн Муҳаммад Заранжарий (1035–1118) кабилар сабоқ олиб, замонасининг етук фақиҳ олимлари бўлиб етишишган.

Ҳозиргача олимнинг бирор бир китоби қўлёзма ёки тошбосма шаклида топилмаган бўлса-да, у киши қаламига мансуб асарларнинг номи бизга маълум. Абу Саъд Самъонийнинг “Насабнома”, Ҳожи Халифа Чалабининг “Кашфуз Зунун”, Ҳофиз Абдул Қодир Қурайшийнинг “ал-Жавохир ал-Музийя фит-табақот ал-ҳанафийя”, Шамсуддин Заҳабийнинг “Сияру аълом ан-нубало” китобларида Ҳалвойининг асарлари ҳақида маълумотлар берилган. У киши

“ал-Мабсут”, “ан-Наводир”, “Фавоид”, “Шарҳ ал-адаб ал-Қодили Аби Юсуф”, “Шарҳ ал-адаб ал-Қоди лил-Хассоф” каби китоблар ёзган.

Ҳанафий мазҳаби уламолари мазҳаб фақиҳларини салоҳияти, илмий лаёқатига қараб етти табақага ажратадилар. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф “Мухтасар ал-виқоя”га шарҳ сифатида ёзган “Кифоя” номли китобида Хассоф, Таҳовийлар билан бир қаторда Ҳалвойи, Сарахсий, Паздавий ва Қозихонларни учинчи табақа вакиллари сирасида зикр қилади. Ушбу табақа вакиллари мазҳаб соҳибидан ривоят қилинмаган масалаларда ижтиҳод қиладиган мужтаҳид фақиҳлар бўлишган.

Алломанинг фатволари кўплаб мўтабар китобларда, хусусан, “Фатавои Оламгирия”, “Фатавои Қозихон”, “Мухити Сарахсий”, “Кофий”, “Захира” ва “Жомий ал-мабоний лил-масайли шарҳи фикҳи Кайдоний” каби асарларда келтирилган. Биргина “Оламгирия” китобидан Ҳалвойига тегишли 125 та фатвони тўпладик.

Олимнинг фатволари бошқа китобларда ҳам учрайди, жуда кўп муаллифлар у киши асарларига ишончли манба сифатида таянишади. Янги тадқиқотлар Абдулазиз Ҳалвойи ва у зотнинг асарлари ҳақида кенгроқ маълумот олишга замин яратди деб умид қиламиз.

Аҳтам АХМЕДОВ

Бехзод ФАЗЛИДДИН

## Оғриқларинг ҳаловатга айлансалар...

\* \* \*

Ўзинг рози бўлганинг ҳар қайга юбор,  
Ўзинг истаганинг ҳар жойга чақир.  
Кўзимдан ўтолмай саргашта губор,  
Номингни айтганга нажот бор, ахир.

Ёдинг-ла банди эт саркаш хаёлим,  
Бошқани ўйламай, бошқани демай.  
Соҳибни қудратим, Соҳибкамолим,  
Ўзгани Ўзингдай севдирма. - севмай.

Қўрқаман ёлғондан, қўрқаман чиндан,  
Ҳаётбахш сўзларга тилимни бойла.  
Тазарру мендандир, тарахҳум Сендан –  
Раҳм айла, раҳм айла, яна раҳм айла.

Манглайга Ошиқ деб дастхат битиб қўй,  
Тоабад дунёга ишқим тушмасин.  
Мухтожман, бундан-да мухтож этиб қўй –  
Ўзингдан бошқага ишим тушмасин.

Нуктача бўлолмай қотдим қаршингда,  
Осий ҳисларимни буткул даф этгин.  
Вужудим бахшида, руҳим бахшида,  
Севгимни Севгингга мушарраф этгин.

\* \* \*

Исён бўлиб исён эмасди бу ҳис,  
Армон бўлиб армон эмасди бу ҳис,  
Аммо сира тинчлик бермасди бу ҳис,  
Паноҳингдан бошқа борар жой йўқдир.

Воҳки, ақл-хушли ажиб телбаман,  
Осон енгиламан, осон енгаман.  
Манов кўпикларга қандоқ сингаман?  
Паноҳингдан бошқа борар жой йўқдир.

Тушуниб бўларми ҳаёт дарсини,  
Адо этарманму фарзу қарзини,  
Ким ғаразсиз тинглар юрак арзини?  
Паноҳингдан бошқа борар жой йўқдир.

Такрор-такрор айтдим, дил ёриб айтдим,  
Бош олиб кетдим-у, ёлвориб қайтдим,  
Кул эт, ғзабингни келтирса байтим,  
Паноҳингдан бошқа борар жой йўқдир.

Бир ёруғ дуога айланди умрим,  
Нур бўлиб қошингга шайланди умрим,  
Сўзингга, Ўзингга бойланди умрим,  
Паноҳингдан бошқа борар жой йўқдир.

\* \* \*

Раҳматига ихлос айлаб заҳмат чексанг,  
Оғриқларинг ҳаловатга айлансалар.  
Дил боғига алвон-алвон гуллар эксанг,  
Хуш бўйлари салаватга айлансалар.

Марвариддай лаҳзаларни йиққанингда,  
Уфқлар сари манзур-манзур боққанингда,  
Камтарликнинг чўққисига чиққанингда,  
Таъзимларинг салобатга айлансалар.

Ёлғиз Унинг ёди бирла ўйга чўмсанг,  
Ёлғонларни қайтиб чиқмас жойга кўмсанг,  
Ором чоғи кўзни қўрқмай, қўрқмай юмсанг –  
Уйқуларинг ибодатга айлансалар.

Томирингда оқар ҳаёт нашидаси,  
Ҳар қадаминг тирикликнинг қасидаси,  
Бир ўзгариб ғамнок дунё харитаси,  
Андуҳлари саодатга айлансалар.

Тафаккурдан қанот боғлаб кўкка учсанг,  
Сўнг юракнинг суханида гавҳар сочсанг,  
Жумла жаҳон бахтин сўраб кафтинг очсанг –  
Дуоларинг ижобатга айлансалар...

## ЎҒИЛ

\* \* \*

Беҳуда чиқиллаб толиқди соат,  
Лаҳзалар карвони бўлолмади жам.  
Қиёфа жангидан чекинди сурат,  
Ўзини кутишдан тўймади Одам.

Йиллар олиб кетди – юзлари сўлғин,  
Таъмини йўқотган туйғулар тахир.  
Тонгни бедор кутди безовта, дилхун,  
Илинжнинг ўлгиси келмайди, ахир.

Қадарда борига қилмади зарда,  
Сўзласа, сукутдан баланд сўзлади.  
Ишқилиб энг сўнгги сонияларда  
Илиниб қолмаса эди кўзлари...

\* \* \*

Тасбеҳ айтаверсам, зикр айтаверсам,  
Ёдинга кўмилиб кетса баётим.  
Берсангу бермасанг – шукр айтаверсам,  
Ибодатга дўнса бутун ҳаётим.

Ҳар гапим сўзларнинг сараси бўлса,  
Катта кетмасам ҳам майдалашмасам.  
Маконим маънолар ораси бўлса,  
Дунё талашмасам, жоҳ талашмасам.

Мадор бериб турсанг, ҳолсизлатмасанг,  
Юрак тўхтама севешдан бир он.  
Ўзимга қўймасанг, ёлғизлатмасанг,  
Сенинг дўстларингга дўст тутинса жон.

Буюк таскин ила кўнглим шодласанг,  
Давлатманд айласанг қаноат билан.  
Фақат, фақат, Ўзинг мукофотласанг  
Икки дунёга тенг Саодат билан...



Ота, далангизга дард сочиб келдим,  
Яна машаққату заҳматлар Сизга.  
Белингиз оғриди, мен қочиб келдим,  
Қачон олиб бердим раҳматлар Сизга?

Она, соғинчингиз сочи оқарди,  
Бормадим – кўпайиб кетди тўйларим.  
Шу ёшимда фақат севиш ёқарди,  
Сиздан кўра кўпроқ уни ўйладим.

Бошдан нима ўтди – билдирганим йўқ,  
Қимдир тўкаверди нур изларимга.  
Ўзимни-ку, хафа қилдирганим йўқ,  
Озор бериб қўйдим азизларимга.

Майсалар, парёстик бўлинг бош қўйса,  
Чинорлар, отамнинг ёнида юринг.  
Боласини ўйлаб юраги қуйса,  
Аччиққина қилиб чой дамлаб беринг.

Бу ташвишлар билан бўлмайди қариб,  
Мени кутиш учун келган оламга,  
Қўллари толмасин челак кўтариб,  
Булултар, сув ташиб туринг онамга.

Ота, дардингизга бошман, биламан,  
Она, тушларингиз бир кун келар ўнг.  
Ҳали юзингизни ёруғ қиламан,  
Қимлигимни англаб борганимдан сўнг.

\* \* \*

Тўлиб кетганида такбирга осмон,  
ҳамду сано айтиб турган тошлар,  
дилбузар доғларга келтирса қирон  
мангулик қўшиғин қуйлаган қушлар,

Зулфиқор майсалар, кескир шаббалар  
зулматнинг бағрини этганда пора,  
изингдан эргашса ёруғ шарпалар,  
чечаклар қуёшдай қилса наззора.

Паҳлавон ниҳоллар бўй чўзиб кўкка,  
матонат илмидан берганда сабоқ,  
муккасидан кетмай тирикчиликка,  
юмшоқроқ бўлишга ундаса тупроқ...

Баридан орттириб нима ҳам дейин,  
ҳикматлар уйидир ҳаёт дегани.  
Шунча ҳайрат, шунча сабоқдан кейин,  
уялиб кетасан шеър ўқигани...



**XIX** аср бошларида Қўқон хонлигида яшаб ижод қилган Мирзо Қаландар Мушриф хонлик тарихи ва адабиётига доир “Рисолаи аскария” ва “Шоҳномаи нусратнаём” асарларини ёзиб қолдирди. У Фазлий Намангоний билан бирга ўша давр шоирлари ижоди ҳақидаги “Мажмуатуш шуаро” тазкирасини ҳам тузди. Мушриф Умархон (1810–1822) даврида сарой шоири ва тарихчиси сифатида элга танилган, бир неча юқори лавозимларда ишлаган. Сарой кутубхонасининг мудири, қўшин қозиси (қозийи аскар) ва бирмунча муддат Исфара шаҳри валийи бўлган.

## “ДАЛОЙИЛУЛ ХАЙРОТ”НИНГ ШЕЪРИЙ ШАРҲИ

Мирзо Қаландар Мушрифнинг эътибор берилмаган, ўқувчилар ва тадқиқотчилар учун янгилик бўлган асари топилди. Бу Жузулийнинг “Далойилул хайрот” асарига шарҳ сифатида ёзилган “Назми шарҳи “Далойилул хайрот” кўлёмасидир. Асарнинг Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кўлёмалар фондида уч кўлёмза нусхаси ва шу институтнинг Ҳамид Сулаймонов жамғармасида икки тошбосма нусхаси борлиги аниқланди. Кўлёмалар: № 6859, 11230/II, 6094-рақамлари билан, тошбосмалар: 4798 ва 4658- рақамлари билан сақланар экан.

“Далойилул хайрот” асари ҳақида қисқача маълумот берсак. Муаллифи Муҳаммад ибн Сулаймон Жузулий Симлолий Шозилий (807–870/1404–

1465) Марокашнинг Жузула туманидаги Симлол кишлоғида туғилган. Исмига Шозилий нисбаси берилиши унинг тасаввуфда шозилия тариқатида бўлганини билдиради. Унинг “Далойилул хайрот ва шаворикул анвор фи зикрис солату ʻалан набиййил мухтор” асари дастлаб муридлари орасида кенг тарқаб, кейинчалик оммалашиб машхур бўлган. Ҳозир бутун мусулмон оламида ўқилади. Бу асар Пайғамбаримизга (у зотга Аллоҳнинг саломат бўлсин) бағишланган салавот ва дуолар тўпламидир.

Ҳозиргача илм аҳлига “Далойилул хайрот”нинг форсий шарҳи сифатида Муҳаммад Фозил Сафиданий Дехлавий каламига мансуб (XIX асрнинг иккинчи ярми) “Мазраъул ҳасанот шарҳи далоилул хайрот” асари таниш эди. Ушбу асар кўп нусхада тарқалган,

хусусан, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида саккизта нусхаси сақланади.

Мирзо Қаландар Мушрифнинг форс тилида ёзилган “Назми шарҳи “Далойилул хайрот” асарининг топилиши муҳим янгилик бўлди. Ҳозиргача Қўқон хонлиги тарихи ва адабиёти тадқиқотчиларига Мушрифнинг бу асари маълум эмасди.

Мирзо Қаландар Мушриф Мир Саидқули парвоначи таклифи билан “Далойилул хайрот”га форс тилида шарҳ ёзгани ва уни Умархонга тақдим қилганини айтади. Китоб Умархонга маъқул бўлганини Мушрифнинг “Рисолаи аскария”сидан билиб олишимиз мумкин. Китобда Мушриф мажлислардан бирида “Далойилул хайрот” шарҳини Умархонга ўқиб бериб, кўнглини шод қилгани айтилган.

Мушриф асар битилган йилни таърихга солган:

*Гўфт мижуйи ганжи  
ин ҳожот,  
Зи гадоийи хазойини  
саловот.*

Мазмуни: У ушбу ҳожатлар хазинасини салавот хазиналарининг гадосидан сўра, деди.

Ушбу таърихни абжад ҳисобига ўғирсак, ҳижрий 1230, милодий 1815 йил чиқади. Демак, ушбу шарҳ Мушрифнинг ҳозиргача маълум асарлари ичида энг олдин ёзилганидир.

“Назми шарҳи “Далойилул хайрот”нинг уч кўлёмза нусхаси матни деярли бир хил. Асарнинг 6859-рақами билан сақланаётган нусхасини бошқаларидан олдинроқ ҳижрий 1236 йили (милодий 1820–21-йил) Сулаймонхўжа Исфарагий кўчирган.

## ЁВУЗЛИК ҲАҚИДА БАҲС

Тошбосма нусха эса 1908 йили Тошкентда чоп этилган.

11230/II рақами билан сақланаётган нусхада кўчирилган йили ва хаттот кўрсатилмаган. Китобнинг охири бетида “Мирзо Исҳоқ ибн Мирзо Муҳаммад” ёзувли муҳр босилган. Ушбу нусха бир жилдаги иккинчи асар ҳисобланиб, биринчиси юқорида айтиб ўтганимиз Деҳлавийнинг “Мазрабул хасанот шарҳи далоийлул хайрот” асаридир. Унинг кўчирилган санаси ҳижрий 1277 йил (милодий 1860–61-йил) деб кўрсатилган. Демак, иккинчи асар ҳам шу йил ёки шунга яқинроқ йилда кўчирилган бўлиши мумкин. Деҳлавийнинг асарига қўшиб бирга саҳифаланиши “Назми шарҳи далоийлул хайрот”нинг ўз даврида машҳур бўлганини билдиради.

Асар бошида муаллиф муқаддимаси, Пайғамбаримизга (у зотга Аллоҳнинг саломини бўлсин) наътлари, чорёрлар васфлари ва Умархоннинг сифатлари берилган. Асарнинг асосий қисми “Далойилул хайрот”нинг душанба кунга мўлжалланган салаоти шарҳидан бошланган. Олдин салавот араб тилида келтирилиб, кейин форсча назмий изоҳ берилган.

Мирзо Қаландар Мушрифнинг ушбу “Назми шарҳи “Далойилул хайрот” асари Қўқон хонлиги тарихининг ҳали ўрганилмаган томонларини очишда қимматли манба бўлиши мумкин. Шарҳнинг кўп нусхада кўчирилиши хонлик замонида “Далойилул хайрот”нинг аҳамияти нечоғлик катта бўлганидан дарак беради.

**Файзуллаҳон ОТАХОНОВ,**

*ЎзР ФА Шарҳишунослик  
институтини тадқиқотчиси*

Профессор талабалардан сўради:

– Қани, айтинглари-чи, ҳамма нарсани Худо яратганми?!

Талабалардан бири астойдил жавоб берди:

– Ҳа, Худо яратган!

– Агар ҳамма нарсани Худо яратган бўлса, демак, ёвузлик ва зулмни ҳам У яратган, шундайми?

Талаба жавоб беролмай, жим туриб қолди. Профессор ўз далилларида лаззатланиб, талабалар олдида фахрланди.

Шунда бошқа бир талаба савол сўрашга руҳсат сўраб, қўл кўтарди. Профессор руҳсат бергач, ўрнидан туриб, сўради:

– Жаноб профессор! Совуқлик борми?

– Бу қанақа савол?! Албатта, бор. Нима, ўзинг ҳеч совқотмаганмисан?

Талабалар қулиб юборишди. Шунда ҳалиги талаба:

– Аслида совуқлик мавжуд эмас. Физика қонунларига кўра, биз совуқлик дейдиган нарса, аслида иссиқликнинг йўқлигидир. Фанда нўл даража ҳарорат деб қабул қилинган ўлчам Фаренгейт ўлчовида – 460 даража ҳисобланади. Бу иссиқликнинг буткул йўқлигини билдиради. Агар бутун олам бу даражага тушиб қолса, борлиқ нарсалар фақат иссиқ-совуқни эмас, балки бошқа ҳолатларни ҳам сезолмайдиган бўлиб қолади. Совуқлик аслида йўқ. Биз “совуқлик” сўзини иссиқлик йўқлиги ё камлигини исботлаш учун ишлатамиз, – деди.

Профессорнинг бу гапларни тасдиқлашдан бошқа иложи йўқ эди. Талаба сўзини давом эттирди:

– Қоронғилик тўғрисида нима дейсиз?

– Албатта, у бор!

– Сиз яна хато айтдингиз!

Қоронғилик ҳам аслида йўқдир. У аслида ёруғликнинг йўқлигидир. Биз ёруғликни ўрганамиз, қоронғиликни эса ўрганолмаймиз. Шундай эмасми? Биз Нютон призмаси ёрдамида ёруғликни рангли нурларга бўлиб юборишимиз, уларнинг узунлиги ва тезлигини ўрганишимиз мумкин. Лекин қоронғилик устида бундай изланишлар ўтказолмаймиз! Ёки ёруғлик ўлчам усулларига қарарсиз? Шундай эмасми?! Демак, қоронғилик тушунчасини инсон ёруғлик йўқлигини ёки камлигини ифодалаш учун ишлатади.

Талаба профессордан яна сўради:

– Ёвузлик ва зулм борми?

Профессор:

– Албатта, бор! Уни биз ҳар куни кўраемиз. Дунёда содир бўлаётган жиноятлар ва зўравонликлар... кишиларнинг бир-бирига зулм қилиши... Булар ёвузлик оқибати.

– Ёвузлик ҳам йўқ нарса. Худо ёвузликни яратмаган. Ёвузлик инсон қалбида эзгулик, меҳр-муҳаббатнинг йўқлигидир. Пок эътиқод ва меҳр-муҳаббат иссиқлик ва ёруғлик каби бор нарсалардир. Ёвузлик эса совуқлик билан қоронғиликка ўхшайди. У иссиқлик бўлмаганида келган совуқликка ўхшайди, ёки қоронғилик каби ёруғлик кетганида келади.

Профессор талабанинг заковатига тан берди. Бу талаба кейинчалик дунёга машҳур олим бўлган Алберт Эйнштейн эди.

*Интернет  
материаллари асосида*  
**Зокиржон ШАРИФОВ**  
*тайёрлади.*

Шайх Худойдод Валий (1461–1542) яссавия тариқатининг пири комил устозларидан. У Карманада туғилди, шу ерда яшаб ижод қилди. Сўнгги макони Самарқанд вилоятининг Жомбой туманидаги Ғазира қишлоғи эса-да, ҳаёти ва фаолиятининг камолот даври она тупроғи билан боғлиқ.

Абдурауф Фитрат “Яссавий мактаби шоирлари тўғрисида текширишлар” мақоласида Худойдод Валийни Сулаймон Боқирғоний, Иқоний, Машраб, Фақирий, Хуббий, Кул Шарифий, Қосим, Насимий, Шухудий, Гадоий, Бехбудий ва Тож каби тасаввуф шоирлари билан бир қаторга қўяди. У ҳазрат Аҳмад Яссавий тариқати ва ҳикматнавислик анъанасини изчил давом эттирган, ўзбек тасаввуф шеърляти ривожига муносиб ҳисса қўшган мутасаввиф адиблардан.

Куйида унинг ижодидан айрим намуналар эътиборингизга ҳавола этилаётир.

### Шайх ХУДОЙДОД ВАЛИЙ

## Холиқим, севдим Сени...

\* \* \*

Менга бу танда жон Сенсиз керакмас,  
 Ҳаёти жовидон Сенсиз керакмас!  
 На қилсун ошиғинг ишқингдан ўзга,  
 Нечаки бўлса жон, Сенсиз керакмас!  
 Нечаки мўмину бўлсам мусулмон,  
 Менга дину имон Сенсиз керакмас!  
 Агар икки жаҳон хушликни берсанг,  
 Ҳамиша жовидон Сенсиз керакмас!  
 Худойдод найласин пирлик ҳолинда,  
 Жаҳон ичра жаҳон Сенсиз керакмас!

\* \* \*

Сенинг дардинга мен дармон на қилсам,  
 Йиғибон барчасин сарсон, на қилсам!  
 Сенинг дардинда жон шукрона берсам,  
 Ярашур ҳам таки қурбон, на қилсам!  
 Сенинг дардинг камук дардга даводур,  
 Камук дард ўтида жон, на қилсам?  
 Сенинг дардингни истар бу Худойдод,  
 Анинг-ла ҳар замон ҳайрон, на қилсам!

\* \* \*

Холиқим севди мени, мен нега севмасман Ани,  
 Икки олам дўстлигин ташлаб севдурди мани  
 Чунки дўстлик давлатин топдим, уландим васлиға,  
 Юз туман, минг жон била чун сотқун олғум васлини!

Нечаки васлинг тиларда юз жафо тегса манга  
 Ул менга айна вафодур, чун топар бўлсам Сани!  
 Мен сени сендин тилармен ўзлигимдин узилиб,  
 Ўзлигимдан узмайин ҳаргиз топа олмам Сани.  
 Чун ўлар сен, Эй Худойдод, ўлгин ўлмасдан бурун,  
 Давлати боқий керакса, ташла фоний нарсани!

\* \* \*

Тушгали меҳринг кўнгилга зор бўлди бу кўнгил,  
 Бир замоне кўрмадим, афгор бўлди бу кўнгил.  
 Гар кўнгил рози бўлуб, сабр айласа ҳажри билан,  
 Нечаки сабр айласам, афгор бўлди бу кўнгил!  
 Васи хижронсиз эмасдур, нетайин, ғам йўлида,  
 Ишқда барча-барчага ағёр бўлди бу кўнгил!  
 Ҳажрида афғон қилиб, куйдим рақиблар дардидин,  
 Шоҳ, васлингни юбор, бас, хор бўлди бу кўнгил!  
 Эй Худойдод, васлини қилғил таманно дам-бадам,  
 Гарчи фурқат илкида афгор бўлди бу кўнгил!

\* \* \*

Сенинг ишқинг мени девона қилди,  
 Ўзумдин узди-ю, бегона қилди.  
 Ўзумни не қилай, икки жаҳонда  
 Юзининг шамъиға парвона қилди.  
 Ўзининг талъатин қилди зоҳир  
 Менга худ неки ёр афсона қилди.  
 Ўзининг дардини солди кўнгилга,  
 Вужудимни менинг вайрона қилди.  
 Худойдод найласун, мулки вужудда  
 Ўзини дард ила ҳамхона қилди.

Суюндик МУСТАФО  
 нашрга тайёрлади.